

# الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء الثالث عشر)

تأليف:

أنور أحد

## «Хикматлар – саодатга етаклар»

(Үн учинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:  
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалба боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ

сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустахкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ**

**Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматdir. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қиласиганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини

чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга хаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зоро, айrim ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўргангандек киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича хаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни хаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиши бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлилардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет

оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган ilk қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жихоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуг: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан

кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقـف نفسك
- 2) كلام من القلب
- 3) خـذ الحـكـمة
- 4) بـستان الـحـكـماء
- 5) ثـقـافـة حـوـل الـعـالـم
- 6) المـوسـوعـة بـوـكـ
- 7) ثـقـافـة وـعـلـوم
- 8) حـكـمة الـيـوـم
- 9) طـرـيق الـجـنـة
- 10) أـقـوـال أـعـجـبـتـي
- 11) كـنـوز من الـحـكـمة
- 12) ذـكـر اللـه
- 13) عـذـب الـكـلام
- 14) عـالـم الثـقـافـة وـالـعـرـفـة

Хикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар

ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Муҳтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жаноблариға оиласий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Хикматлар – саодатга етаклар» <sup>"الحكم - تقود إلى السعادة"</sup> китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.



2669. Қалбингни ғам босиб, диқкинафас бўлаверсанг, аммо бунинг сабабини билмасанг, «**Лаа илааҳа иллаа анта, субҳаанака, инний кунту миназ-золимиин**» («Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, Сени поклаб ёд этаман! Мен (ўз-ўзимга) зулм қилганлардан бўлиб қолдим»), деб айтгин. Зоро, Аллоҳ таоло Қуръонда ушбу оятдан кейин: «**Шунда Биз уни (Юнус алайҳиссаломнинг дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз**», деб айтган (*Анбиё сураси, 88-оят*).



2670. Ўзи баҳтли бўлатуриб, биродарлари у туфайли баҳтсиз бўлган, ўзи саломат бўлиб, қўшнилари унинг ёмонлигидан саломат бўлмаган одам энг пасткаш инсондир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2671. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким жума куни тонгда, бомдод намозидан олдин: «Астагфируллоҳалзай лаа илааха илла ҳувал ҳаййул қоййум ва атуубу илайх» (Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Тирик ва қаййум сифатли Аллоҳга истигфор айтаман ва Унга тавба қиласман), деб уч марта айтса, гуноҳи денгиз қўпигича бўлса ҳам, Аллоҳ таоло кечириб юборади».

*Ибн Сунний ривояти.*



2672. Дунё ҳақида айтилган сўзлар:

Ким дунёни охиратнинг йўли деб билса, ундан ҳузурланади ва у охиратда ҳузурланишига ҳам сабаб бўлади. Ким дунёни қимматбаҳо ғанимат деб эътиқод қиласа, унда озор чекади ва у охиратда аламда қолишига сабаб бўлади.



2673. Дўстлигига содик бўлган дўст билан дўстлашгин.  
Ҳақиқий садоқат дўстнинг содиқлигидадир.



د. أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى:

"فاذكروني أذكركم"

"قف عند هذه الآية ولا تتعجل، فلو استقر  
يقينها في قلبك، ما جفت شفتاك"....

2674. Аллоҳ таоло: «Мени эсланглар, Мен ҳам сизларни  
эслайман», деб марҳамат қилган.

Ушбу оят ҳақида бироз тўхталгин, шошилма! Агар бу  
оятни қалбингга жо қила олсанг, икки лабинг (зикр  
қилаверганидан нами қолмай) қуриб қолур.

*Aхмад Ийсо Маъсаровий*



2675. Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ризқи тораяди. Ким мол-  
дунёни арзимас билса, орзулари у томон келаверади. Ким

молини эҳсон қилса, улуғ бўлади, ким обрўсини эҳсон қилса, хор бўлади.

«Унваанул байаан» китобидан.



2676. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни масжидга кирсалар, эшикнинг кесакисидан ушлаб, «Аллоҳуммажъални авжаҳа ман таважжаҳа илайқ, ва акроба ман тақорроба илайқ, ва афзола ман са`алака ва роғиба илайқ» (Аллоҳум, мени Сенга юзланувчиларнинг юзланувчироғи, Сенга яқин бўлувчиларнинг яқинроғи, Сендан сўровчи ва Сенга разбат қилувчиларнинг афзалроғи қилгин) дер эдилар».

*Ибн Сунний ривояти*

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким жума намозидан кейин «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъуузу бироббили фалак» ва «Қул аъуузу

бироббин-наас» сураларини етти марта ўқиса, Аллоҳ таоло кейинги жумагача уни ёмонликдан сақлайди».

*Ибн Сунний ривояти*

Жума намозидан кейин Аллоҳни кўп зикр қилиш мустаҳабдир. Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 10-оятида шундай дейди:

**«Намоз адо қилингач эса, ер юзига тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) истайверинглар. Аллоҳни кўп зикр қилинглар, шояд нажот топсангиз».**



2677. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Одамлардан энг аввал кўтариладиган нарса хушуъдир».**

*Имом Табароний ривояти.*



2678. Баъзиларнинг «Кўз тегиши ҳақ», деган ҳақиқатга келтирган иймони «Аллоҳ энг яхши муҳофаза қилгувчи» деган ҳақиқатга келтирган иймонидан кучлироқ бўлади.



2679. Ака ёки уканинг жуфти ҳалоли оилангизнинг файзига яна бир қўшимчадир. Биз уларни худди ўз опа-сингилларимиздек муҳофаза қилмоғимиз даркор. Зоро, улар оиласини ташлаб келиб, янги оламга, янги муҳитга мослашиб яшамоқда. Келинлар – жиянларимизнинг онаси, ака-укаларимизнинг ярмидир.

**Изоҳ:** Инсон оила кўриб, турмуш курганда мукаммал шахсга айланади. Шунинг учун бу ерда умр йўлдошларимизни яrim дейилмоқда.



2680. Яхшилигини ўзидан қизғанган киши бошқага ҳам яхшилик қилмайди. Ким ҳиммат даражаларида кўтарилса, одамларнинг наздида улуғлашади.

«Унваанул байаан» китобидан.



2681. Икки ҳайит кунлари такбир айтиш мустаҳабдир. Фитр (Рамазон) ҳайити куни уйдан чиққандан бошлаб то намозгоҳга келгунча такбир айтилади. Қурбон ҳайитида эса арафа кунининг бомдодидан бошлаб ташриқ кунининг охиригача (асрдан кейингача) айтилади.

**«Аллоҳу اکبار! Аллоҳу اکبار! Аллоҳу اکبار! لاا  
يلااҳا ایللہاللّوھوا لّوھا اکبار! Аллоҳу اکبار و  
لیللااھیل ھامد».**

(*Аллоҳ үлугдир! Аллоҳ үлугдир! Аллоҳ үлугдир! Аллоҳдан  
боиқа илоҳ үйқдир! Аллоҳ үлугдир! Аллоҳ үлугдир! Аллоҳга  
ҳамд бўлсин!*)



2682. Ибн Жавзий айтадилар:

Рўза ёппасига овқатдан тийилиш эмас. Ҳақиқий рўза – аъзоларни гуноҳлардан тийишдир: тилни беҳуда гапсўзлардан тийиш, кўзни ҳаром нарсаларга қарашдан тийиш, қўлни бирорвга озор беришдан тийиш ва оёқни ножӯя жойлар томон босишдан тийишдир.

**الشيخ على الطنطاوي رحمه الله ينافق شاباً لا يصلح**



قال: أنا لا أنكر أن الصلاة فرض، وأنا أحب أن أصلح، ولكنني عندما أرى بعض المصلين أنفرا من الصلاة.. عندنا في المدرسة شاب يصلي دائمًا ويقرأ الأوراد، وهو مجال محظوظ بعيد عن الأمانة مجانب للاستقامة.

قلت: لهذا تركت الصلاة؟ قال: نعم. قلت: لماذا تأكل إذن؟ قال: لماذا لا أكل؟! قلت: لأن بين من يأكلون من هو لص خبيث ساقط محظوظ! قال: ما لي وما له؟ الأكل ضروري لحياة الجسم.. قلت: والصلاحة ضرورية لحياة الروح، فما لك ولهذا الذي قلت إنه مجال؟! كتاب نور وهدى

2683. Шайх Али Тантовий роҳимаҳуллоҳнинг бир бенамоз йигит билан бўлган суҳбатларидан:

Йигит: «Тўғри, намознинг фарз эканини инкор қилмайман. Мен ҳам намоз ўқишини яхши кўраман. Лекин баъзи намозхонларни кўргач, намоздан нафратланиб кетаман... Мактабимизда бир йигит бор. Беш маҳал намозини ўқийди. Лекин ўзи ёлғончи, такаббур бола, омонатдор эмас. У тўғри йўлдан оғиб кетган», деди. Шунда мен: «Шунинг учун намоз ўқимайсанми?» десам, «Ҳа», деди. Мен: «Унда нима учун овқат еяпсан?» дедим. «Нима учун емай?!» деди у ҳайрон бўлиб. Мен: «Чунки овқат еяётганлар ичida ҳам ўғри, хулқи бузук ва такаббурлари бор», дедим. «Бор бўлса нима бўпти? Ахир организмнинг яшаси учун овқатланиш керакку!» деди. Мен: «Худди шунга ўхшаб, руҳнинг яшаси учун ҳам намоз керак! У ёлғончи бўлса, бунинг намоз ўқимаслигинга нима алоқаси бор?» дедим.



د أحمد عيسى المعصراوى

تعودنا أن نسمع أو نقرأ القرآن فقط في  
مناسبات العزاء حتى ترسخ في نفوسنا  
ربط القرآن بالحزن  
لا ادرى متى نفهم ان القرآن كتاب حياة  
وليس كتاب موت

2684. Куръонни фақат таъзия маросимларида ўқишига, эшитишига одатланиб қолганмиз. Шунинг учун зеҳнимизда Куръон қайғу-аламга, ғам-ғуссага боғлиқ нарса экан, деган тушунча жойлашиб олган. Ушбу Куръон ўликлар эмас, тирикларнинг китоби эканини қачон англаб етамиз, билмадим...



2685. Донишмандлардан бири айтди: «Назари энг ўткир инсон ўзининг гуноҳларини кўра оладиган, ўзининг айбларидан вокиф бўлган одамдир».

«Унваанул байаан» китобидан.



2686. «Аллоҳу акбар кабиро, валҳамду лилаҳи касириро, ва субҳааналлоҳи буқротан ва асийла. Лаа илааҳа иллаллоҳ ва лаа наъбууду илла ийхааху мухлисииня лаҳуд-дийна ва лав қариҳал каафирун. Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳ, содақо ваъдаҳ, ва насоро ъабдаҳ ва ҳазамал аҳзааба ваҳдаҳ! Лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу **акбар**» (Аллоҳ улуғларнинг улуғидир, Унга кўп ҳамдлар бўлсин. Эртаю кеч Аллоҳни поклаб ёд этурман. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Унинг Ўзигагина, Унинг динида холис бўлиб ибодат қиласиз, гарчи коғирлар қариҳ кўрсалар ҳам. Ёлгиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Аллоҳ улуғдир) деб айтиш ҳам яхшидир.

الصوم هو الركن الرابع!  
والصلة هي الركن الثاني!



فلا تفتخر بصيامك وانت تارك الصلة!

2687. Рўза Исломнинг тўртинчи рукнидир. Намоз эса иккинчи рукнидир. Намозни тарқ қилган ҳолингда тутган рўзанг билан фахрлана кўрма...



هذه ليست تلة أو منزل ريفي؛ إنها ببساطة مسكن من صنع النمل! وقد وجد العلماء أن هذه المساكن تضاهي تلك التي يصنعها البشر، فهي مزودة بكل ما تحتاجه النملات من غرف خاصة لتخزين الغذاء وفتحات تهوية وغرف للصغار ووسائل تقييم ... ولذلك فإن القرآن سمي هذه البيوت "مساكن" وهي تسمية دقيقة جداً من الناحية العلمية وتشهد على إعجاز القرآن، يقول تعالى على لسان نبيه: (فَالْتَّمَلَةُ يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ ادْخُلُوْمَسَاكِنَكُمْ) (النمل: 18) قسبيحان الله!

2688. Бу сурат бирор тепалик ёки қишлоқдаги бирор манзилнинг сурати эмас. Бу чумолининг инидир. Ҳа, чумолининг меҳнати орқали бунёд этилган соддагина бир маскандир. Олимлар ушбу масканни инсон бунёд қиладиган масканга ўхшашини аниқлашди. Ушбу маскан чумолилар муҳтож бўладиган озиқ-овқат омбори, ҳаво айланадиган дарчалар (вентиляция тизими), кичкинтойлар учун маҳсус хона ва дезинфекция воситалари билан жиҳозланган. Шунинг учун Қуръон чумолининг инини «маскан» эмас, «масканлар» деб атаган. Ушбу атама илмий жиҳатдан жуда дақиқ номлаш бўлиб, Қуръоннинг мўъжиза эканига гувоҳлик беради:

**«Улар чумолилар водийсига келганларида бир чумоли: «Эй чумолилар! Масканларингга киринглар! Яна Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни бехосдан эзиб юбормасин», деди» (Намл сураси, 18-оят).**

**Изоҳ:** Чумолилар ҳам асалариларга ўхшаб, ажойиб интизомга эга. Ҳали-ҳануз уларнинг жамоат бўлиб

яшашларининг сири англанган эмас. Бу оятда чумолиларнинг бир-бирини хавф-хатардан огоҳ этиши ҳақида айтилмоқда.

**قال الأصمعي**  
**رأيَتْ رجُلًا بِالبَادِيَّةِ لَهُ**  
**مِنَ الْعُمُرِ 120 سَنَةً**  
**فَسَأَلْتَهُ عَنْ هَذَا النِّشَاطِ**  
**فِي مُثْلِ هَذَا الْعُمُرِ؟**  
**فَقَالَ تَرَكْتُ الْحَسْدَ خَبْقِي**  
**الْجَسْدَ.**

2689. Асмаъий айтади:

«Саҳрода 120 ёшга кирган бир қарияни кўрдим. Ундан шу ёшда ҳам тетиклигининг сабабини сўрасам, «Ҳасадни тарк қилган эдим, жасад омон қолди», деди.



2690. Фазилатларнинг боши – афзал ишларни бажариш, разолатнинг боши – энг разил ишларни қилишдир. Яхшиларга эҳсон қилиш ихтиёр қилинган нарсанинг чиройидир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2691. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиласидар:


«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Дуоларнинг яхиси арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган калималарнинг яхиси: «Лаа илааҳа иллаллоҳу, вахдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа кулли шай`ин қодир», дейишдир».

*Имом Термизий ривоят қилганлар.*

Имом Моликнинг «Муватто»ларида эса: «Дуоларнинг афзали арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарларнинг айтган калималарининг афзали «Лаа илааҳа иллаллоҳу вахдаҳу лаа шарийка лаҳ»дир», деб келган.

*Имом Молик ривоят қилганлар.*


Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу арафа куни бир тиланчининг одамлардан тиланиб юргани кўриб, «Эй бечора, шундай кунда Аллоҳдан бошқадан ҳам нарса сўрайсанми?» деган эканлар.



2692. Танбаллик қилиб, кун бўйи ухлаш ёки туни билан телевизор кўриб чиқиши рўза эмас. Кейин эрталаб ишга эриниб бориш ҳам, тажанг бўлиб, одамларга кескин муомала қилиш ҳам рўза эмас. Аллоҳга бундай рўзанинг кераги йўқ.

Аллоҳ бундай рўзани қабул қилмайди, уни эгасига қайтариб беради. Бундай «рўзадор»нинг фақат оч қолгани ю чанқагани қолади, холос...

*Доктор Мустафо Маҳмуд.*



2693. Рамазонда Аллоҳ таоло нимани хоҳлайди-ю, сунъий йўлдош телеканаллари нимани хоҳлайди?

Жавоб қуидаги оятда:

**«Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилишни истайди, ҳою ҳавасга берилган кимсалар эса (ҳақ йўлдан) бутунлай оғиб кетишингизни истайдилар» (Нисо сураси, 27-оят)**



2694. Адашиб, айниб кетишдан энг күп хавф қиладиган одам ҳақ ва хидоятда мустаҳкам бўлган кишидир. Зеро, энг тўғри йўлда бўлган зот – Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йаа мусорифал қулууб! Саббит қолбий ўалаа тоъатик!» («Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот! Қалбимни тоатингда мустаҳкам қил»), деб кўп дуо қилар эдилар.



2695. Кўриб кўйган чора-тадбиингга ишониб, ўзбошимчалик қилмагин ва бошлиғингга беписанд бўлмагил. Энг гўзал афв – қудратли бўлатуриб кечиришдир, энг гўзал яхшилик – қашшоқ бўла туриб эҳсон қилишдир.



2696. Қурғоқчилик келганда инсон ўзини хор тутиб, хузуъ билан Аллоҳга кўп истиғфор, зикр ва дуо қиласи. Бундай пайтда ўқиладиган дуолардан бири:

**«Аллоҳумма، асқинаа ғойсан муғийсан، ҳанийъан, марийъан, ғодақан, мужаллилан, саҳхан, ъамман, тобақан, даиман. Аллоҳумма، ъалаз-зироби ва манаабитишиш-шажари ва бутуунил авдийах. Аллоҳумма, иннаа настағфирука, иннака кунта ғоффааро! Фа арсилис-самаа ъалайна мидроро. Аллоҳумма، асқинал ғойса ва лаа тажъалнаа минал-қонитийн. Аллоҳумма, анбит ланаз-заръа ва адирро ланаз-заръа васқинаа мин барокатис-самааи ванбит лана мин барокатил-ард. Аллоҳумма, ирфаъ ъаннал-жахда вал-жувъа валъурйа. Вакшиф ъанна минал балааи мaa лаа йакшифуху ғойрук» (Аллоҳум, бизга ёқимли, фойдали, яхши, унумли, қоплайдиган,**

шалдираб оқувчи, шомил, кетма-кет ёмғир бер. Аллоҳим, бу ёмғирни теварак-атрофга, дарахтзорларга, водийларга ёғдир. Аллоҳим, Сенга истигфор айтаман. Албатта, Сен кечирувчи Зотсан. Бизга осмондан мүл ёмғир юбор. Аллоҳим, бизни ёмғир ила сугор, ноумид қилма. Аллоҳим, бизга ўсимликларни ўстир, ёмғирни кўп ёғдир. Бизни осмон баракотларидан сероб қил, ер баракотларидан ўт-ўланларимизни ўстир. Аллоҳим, қийинчилик, очлик, қаҳатчиликни биздан кўтар ва биздан балони олиб ташла, зеро, Сендан бошқа ҳеч ким уни олиб ташлай олмайди».



2697. Ибн Сирин бойликларининг катта миқдоридан маҳрум бўлганларида: «Қирқ йилдан бери кутилган жазо энди келди», дедилар. Шунда атрофдагилар: «У қанақа гуноҳ эди?» деб сўрашди. Шунда Ибн Сирин: «Бир кишига: «Эй камбағал!» деган эдим», дедилар.

(Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир биродарини айбласа, то ўзи ҳам** (ўша айبلاغан нарсага) **амал қилмагунича ўлмайди»**, деганлар.

*Имом Термизий ривояти.*



2698. Олим (шифобахш) қайнарбулоққа ўхшайди. Узокдагилар у томон ошиқадилар, яқиндагилар эса ундан юз ўгирадилар.



2699. Бугун кечқурун қаерга борасан?

Абу Хурайра розияллоху анху ва у зотнинг асҳоблари рўза тутишса, масжидда ўтириб, «Рўзамизни поклаймиз!» дейишар эди. Булар қаерда-ю, ойнаижаҳон олдида ёки ғийбат ва номақбул мажлисларда ўтириб олганлар қаерда...



2700. Шоир деди:

Барча гуноҳларни кечирад Аллоҳ,  
Мадад берса сенга ихлосу иймон.  
Ҳар қандай синикини ямар Аллоҳ, лек  
Дин қаноти синса, йўқ унга имкон.



2701. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалам Бавок деган жойдан келиб, шундай дедилар: «**Аллоҳумма! Асқинаа ғойсан муғийсан, мариийан, сарийъан, нофиъан, ғойро зоррин, ъаажилан, ғойро аажилин**» (*Аллоҳим! Бизга ёқимли, тез, фойдали, зарарсиз, кечикмайдиган ёмғирни ёғдириб, у билан бизни сероб қил*). Шунда ёмғир ёғди.

*Абу Довуд ривояти*



2702. Каҳф сурасини ўқиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, асхобул Каҳфни 309 йил вафот қилдириб, сўнгра тирилтирган Аллоҳ ушбу умматни ҳам, бизнинг ғафлат уйқумиз хар қанча чўзилмасин, албатта тирилтиришга Қодирдир.



2703. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Аллоҳ таоло: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим берурман», деди. Рўза сақловчиdir. Қай бирингиз рўзадор бўлса, фаҳш гапирмасин, бақир-чақир қилмасин. Кимdir у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, «Мен рўзадорман», десин. Мұҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, рўзадорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқdir. Рўзадорга икки хурсандлик бордирки, иккисини ҳам яшагай: ифтор қилганда хурсанд бўлгай ва Роббига етишганда рўзаси ила хурсанд бўлгай».**

*И мом Бухорий ривояти*

Эътибор беринг! Аллоҳ таоло: **«Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим берурман», демоқда.** Баъзи шориҳларнинг айтишларича, рўзадорга қанча савоб беришни Ўзим биламан дейишига сабаб шуки, рўзага бериладиган савобнинг микдорини инсоннинг ақли қамрай олмас экан, чунки у бу дунёга сиғмас экан.

**«Рўзадорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқdir»** дейилган сўзга ҳам эътибор беринг. Аллоҳ рўзадорни ҳимоясига олиб, ҳиди туфайли рўзадорни малол кўрадиганлардан муҳофаза қилмоқда. Валлоҳу аълам!



2704. «Аллоҳ яхшилиқ қилувчиларни севади» (*Бақара сураси, 195-оят*)

Одамлар билмаяпти деб, қилган яхшилигингга асло қайфурма!

Ерда сени тақдирлайдиган йўқ бўлса, юқорида сени олқишлийдиган Зот бор!



2705. Тилга эгалик қилиш ва эҳсон қилиш ҳақиқий фазилатdir.

«Унваанул байаан» китобидан.



2706. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиласилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи вассаллам (курғоқчиликда) ёмғир сўрасалар, шундай дуо қиласар эдилар:

**«Аллохумма! Исқи ъибаадака ва баҳааимака, ваншурроҳматака ва аҳии баладакал майита»** (Аллоҳим, бандаларингни, жонзотларингни сугоргин, раҳматингни ёйин ва ўлик шаҳарларингни тирилтиргин).

*Абу Довуд ривояти*



د أحمد عيسى المعصراوى

ما أعظم أجر النساء في رمضان  
لهن أجر الصيام؛ وأجر العمل في المنزل؛  
وأجر إفطار صائم  
فَ اللهم إرحم ضعفهن؛ وأروي ظمآنهن

2707. Рамазонда аёлларнинг ажри нақадар улкан бўлмаса!!!

Улар учун рўза тутиш ажри, хонадон юмушларидағи ажр ва рўздорни ифтор қилдиришдаги ажр бор экан!

Аллоҳим! Заифаларга раҳм қил ва Ўзинг уларнинг чанқоқларига барҳам бер!



2708. Тилсиз одам Аллоҳнинг китобини тиловат қилишни, қулоги оғир одам уни эшишишни, кўзи ожиз одам унга қараб ўқиши орзу қиласи. Бу неъматлар бекаму кўст қилиб берилган биз ғофилларни эса уяли телефонларимиз ҳалокат сари олиб бормокда!



2709. Тадқиқот натижалариға кўра, рўза юрак ва артериосклероз касалликлари учун муолажа экан. Мунтазам тартибда рўза тутиб юрган кишининг юраги фаол, иши тартибли бўлиб, узоқ умр кўришига сабаб бўлади. Агар рўза давомида Қуръон эшитишга машғул бўлинса, рўза тутиш юқорида зикр қилинган артериосклероз касаллиги учун ҳам яхши муолажадир. Мана шу холда бардавом бўлинса, Аллоҳнинг изни ила кўплаб касалликларга шифо бўлади.

Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, тақволи бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби, сизларга ҳам саноқли қунларда рўза тутиш фарз қилинди», деб марҳамат қилган (*Бақара сураси, 183-оят*).



2710. Бир донишманд айтди: «Ишончли киши суюклидир, амин киши дўстликка лойикдир».

«Унваанул байаан» китобидан.





2711. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёмғир ёғмаётганидан шикоят қилишганида, у зот намозгоҳга бир минбар қўйишни буюрдилар ва у ерга чиқишига ваъда бердилар. Қуёш кўрина бошлагандага чиқиб, минбарга ўтирдилар, Аллоҳга такбир ва ҳамд айтдилар, сўнг: «Сизлар диёргингиз қуриб, ёмғир кечикканидан шикоят қиляпсизлар. Аллоҳ таоло сизларга дуо қилишни буюриб, уни ижобат этишни ваъда қилган», дедилар. Сўнг шундай дуо қилдилар:

**«Алхамдулилаҳи Роббил ҳааламийн, Ар-Роҳманир-Роҳийм, Маалики йавмид-дийн. Лаа илааха иллаллоҳу, йафъалу маа йурийд. Аллоҳумма, анталлоҳу лаа илааха илла антал ғониййу ва наҳнул фуқороу, анзил ҳалайнал-ғойса важъал маа анзалта ланаа қувватан ва балағон илаа ҳийн» (Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин. У Раҳмондир, Раҳимдир, Қиёмат кунининг подшосидир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У Зот хоҳлаган нарсасини қиласиди.**

*Аллоҳим, Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сен бойсан, бизлар камбагалмиз. Бизга ёмғир ёғдиргин, ёмғириңни бизга қувват қилгин, уни узоқ вақтга етадиган қилгин).*

Сўнгра қўлларини кўтариб, дуода бардавом бўлдилар, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринди. Сўнгра одамларга орқаларини қилиб, ридоларини яхшилаб тузатиб олдилар-да, қўлларини кўтарган ҳолда одамларга юзландилар ва тушиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Шунда Аллоҳ таоло булутларни келтирди, момоқалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди. Сўнгра Аллоҳнинг изни билан ёмғир ёғди. Масжидларига етмай туриб, сел оқа бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг уйларига шошаётганларини кўриб, кулиб юбордилар, ҳатто тишлари кўриниб кетди. Кейин шундай дедилар: «**Ашҳаду анналлоҳа ъалаа қулли шай`ин қодийр, ва анний ъабдуллоҳи ва росуулух**» (*Гувоҳлик бераманки, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир ва мен Аллоҳнинг бадаси ва Расулидирман*).

*Абу Довуд ривояти*

Истисқо намози ҳайит намозига ўхшаб ўқилади ва шу тарзда хутба қилинади. Унда Аллоҳга такбир, ҳамд ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтилади. Иложи борича кўп истиғфор айтилади ва қуйидаги оят ўқилади:

**«Истағфируу Роббакум, иннаху каана Ғоффааро, йурсилис-сама`а ъалайкум мидроро»** (*Роббингиздан мағфират сўранглар, албатта У Зот гоятда мағфиратлидир. Шунда устингизга осмондан ёмғир юборади, Нуҳ сураси, 10–11-оятлар*).

Умар розияллоҳу анҳу ёмғир сўрасалар, дуоларининг аксари истиғфор бўлар эди.



د أحمد عيسى المعصراوي

الشهر قصير لا يحتمل التقصير  
وقدومه عبور لا يقبل الفتور  
فالهمة الهمة :  
﴿أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ﴾ وفي ذلك فليتنافس  
المتنافسون .

2712. Рамазон ойи жуда қисқадир, шунинг учун (ибодатдаги) нуқсонни кўтара олмайди. У жуда тез ўтиб кетади, шунинг учун мадорсизликни қабул қилмайди. Унинг учун қилинган ҳиммат ҳақиқий ҳиммат бўлиб, у саноқли кунлардир. «Ва мусобақа қилувчилар шу нарса учун мусобақа қилсинлар».



2713. Юсуф сураси менга ўргатган нарсалар:

- Бемор одам шифо топади;
- Узок вақт йўқ бўлиб кетган одам қайтиб келади;
- Махзун бўлган одам бир кун шод ҳам бўлиши;

- Аллоҳнинг изни билан ғам-алам кўтарилади;
- Қийинчилик билан бирга осонлик ҳам бўлади.



2714. Солиҳ салафларнинг биридан мурувват ҳақида сўрашди. У зот: «Очиқчасига қилинганда уялиб қоладиган амални яширинча ҳам қилмаслик», дедилар.



2715. Акангга итоат қил, агар у сенга осийлик қилган бўлса ҳам. Алоқа ришталарини боғла, агар у сенга жафо қилган бўлса ҳам.

«Унваанул байаан» китобидан.



2716. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
**«Қаттиқ шамол турса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳумма, инний ас`алука хойроҳаа ва хойро мaa фийҳаа ва хойро мaa урсилат биҳи ва аъуузу бика мин шарриҳаа ва шарри мaa фийҳаа ва шарри мaa урсилат биҳи» (Аллоҳум, Сендан унинг яшилик бўлишини, ундаги яшиликни ва у билан юборилган нарсанинг яшилигини сўрайман. Сендан унинг ёмонлик бўлишидан, ундаги ёмонликдан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман) дер эдилар.**

*Имом Муслим ривояти*



د أحمد عيسى المعصراوى

أن الله يعطيك المال، ثم يلهمك أن تتصدق،  
ثم يسخر لك فقيراً يأخذها، ثم يقبلها منك  
ثم يبارك لك في رزقك الذي هو أعطاك إياه  
سبحانك ربنا ما أكرمك

2717. Аллоҳ сенга мол-дунё ато қилиб, сўнг садақа қилишингга рағбат беради. Сўнгра уни қабул қилиб олиш учун бир камбағални сенга рўпара қилади. Кейин сендан ўша садақангни қабул этади. Сўнгра камбағалга берганинг учун ризқингта барака ато этади.

Эй Пок Роббимиз, мунчалар карамли бўлмасанг!



قام العلماء بالعديد من التجارب ودهشوا عندما علموا ان الطيور تكتب مثل البشر تماماً فالتطور تكتب من أجل الحصول على طعامها وقد تكتب وفقد الأشياء تجدها إيجاداً والعجب أن القرآن مكتوب أثنا عشر إلى هذه الحقيقة العلمية؟ سياق الحديث عن اليدedd في قصة سيدنا سليمان مع بالقيس، فقد أمعن الله القدرة لسيدنا سليمان فكان يفهم لغة الطيور وبخاطرهم، وعندما تأخر ملك اليدedd وجاء فأخبر الملك سليمان أنه وجده قوماً يسجدون للشمس من دون الله. قال له سليمان (قال سلطنتك أستحقت لم يكثُر من الكافرون) التأمل (27). هذه الآية تدل على أن الطيور تصدق وتكتب، وهذا ما يكتشفه العلماء حديثاً جيداً

2718. Олимлар бир неча тажрибалар ўтказиб, қушлар ҳам худди инсон каби ёлғон гапиришини билгач, дахшатга

тушишди. Қушлар ҳам емишни қўлга киритиш учун ёки аёлини ўзига жалб қилиш учун ёлғон сўзлаб, алдар экан. Ажабланарлиси шуки, Қуръони карим ушбу илмий ҳақиқатни Сулаймон алайҳиссалом билан Билқис қиссасида ҳудҳуд (сассиқпопишак) айтган сўзнинг мазмунида ишора қилиб ўтган. Аллоҳ Сулаймон алайҳиссаломга қушларнинг тилини тушуниш ва уларга гапириш имкониятини ато қилган эди. Ҳудҳуд кеч қолиб келгач, Подшоҳ Сулаймонга Аллоҳни қўйиб, Куёшга сажда қилаётган қавмни топганини хабарини берди.

**«(Сулаймон) «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўурмиз», деди» (Намл сураси, 27-оят).**

Бу оят қушлар ҳам рост ёки ёлғон гапиришига далолат қиласиди. Олимлар ушбу ҳақиқатни ҳам кашф қилишди.



2719. Мўмин ким? Мўмин:

- Аллоҳни таниб, Унга итоат қиласиди.
- Шайтонни таниб, унга осий бўлади.
- Ҳақни таниб, унга эргашади.
- Ботилни таниб, ундан четланади.
- Дунёни таниб, уни рад этади.
- Охиратни таниб, унга талабгор бўлади.



2720. Ҳар бир синовчидан сақласанг сирни,  
Демак, айлагайсан сен уни асир,  
Агар ошкор қилсанг бул сирларингни,  
Билгилки, айлагай у сени асир!

«Унваанул байаан» китобидан.





2721. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Шамол бандаларга юборилган раҳматдир. У гоҳида раҳмат билан, гоҳида эса азоб билан келади. Шамол эсса, уни сўкманглар. Аллоҳдан унинг яхшилиқ бўлишини сўраб, ёмонлигидан паноҳ тиланглар».

*Абу Довуд ва Ибн Можса ривояти*

Оиша розияллоҳу анходан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам осмон уфқида тўпланган булатни кўрсалар, килиб турган ишларини тўхтатардилар, агар намозда бўлсалар: «Аллоҳумма, инний аъуузу бика мин шарриҳа» (Аллоҳим, униг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилайман), дер эдилар.

Агар ёмғир ёғса: «Аллоҳумма, саййибан, ҳаний`ан» (Аллоҳим, уни шариллаб ёғувчи ёқимли ёмғир қилгин), дер эдилар.

*Абу Довуд, Насаий, Ибн Можса ривояти*



2722. Солиҳлардан бири: «Аллоҳнинг неъматлариға қарши чиқманглар», деди. «Ким Аллоҳнинг неъматлариға қарши чиқади?» дейишиди. Шунда у зот: «Аллоҳ Ўз фазлидан ато берган кишиларга ҳасад қилувчилар Аллоҳнинг неъматлариға қарши чиқувчилардир», дедилар.



2723. Ҳозирги замон олимлари янги илмий тадқиқотлар давомида некбинлик, яъни яхшиликка йўйиш инсон жисмидаги касалликларга қарши кураш қувватини – иммунитетни кучайтиришини ва инсон ҳаёти учун саодат бахш этишини кашф қилдилар. Аслида бу ажойиб набавий йўлланма эди. Зеро, Оиша розияллоҳу анҳодан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари хусусида сўралганида, Оиша розияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари Қуръон эди», деганлар. У зот Қуръонни ҳаётларига мукаммал тадбиқ қилганлари учун том маънодаги баҳт-саодатга мушарраф бўлдилар. Биз ҳам ҳаётимизнинг барча жабҳаларида у зотга эргашиб, ахлоқимизни Қуръон билан ҳамоҳанг қилмоғимиз даркор. Нафс табиблари (психологлар) воқеъликдан рози бўлиш таълимотини беришдан ожиз бўлган бир пайтда, Қуръон ушбу розиликни қуидаги оятида баён қилмоқда:

**«Шоядки ёқтирамаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса»**  
*(Бақара сураси, 216-оят).*

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши ниятни, ҳар бир ишни яхшиликка йўйишни хуш кўрар эдилар. Бугунги кундаги ғарб олимлари кашфиёт деб жар солаётган ушбу ҳаёт тарзини у зотга ким таълим берган?



2724. Солиҳ салафлар тирикчилик учун кўчага чиқиб кетаётганларида уларнинг жуфти ҳалоллари: «Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан қўрқинг, ҳаром пул топишдан эҳтиёт бўлинг. Биз очликка, чанқоқликка чидаймиз, аммо дўзахнинг оловига, Аллоҳниғ ғазабига чидай олмаймиз!», дейишар эди.

Қани энди бугунги кун аёллари ҳам шундай бўлишса...



2725. Ҳақиқий сукут сақловчи ким? У шундай кишики, жимлиги тилининг ўтмаслигидан ва баёнга нўноқлигидан эмас. Ҳақиқий ҳалим шундай кишики, унинг юмшоқ феъли ёрдамга қуввати, қудрати йўқлигидан эмас.

«Унваанул байаан» китобидан.



لم يتمكن العلماء من معرفة أن الجنين يخلق على مراحل أو أطوار إلا قبل مئتي عام .. ولم يتمكن العلماء من تصوير هذه الأطوار إلا في أوآخر القرن العشرين. ولكن القرآن الكريم أنبأ عن هذه الحقيقة العلمية قبل أكثر من ١٤٠٠ عام، قال تبارك وتعالى: (مَا تَرَجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا • وَقَدْ خَلَقْتُمْ أَطْوَارًا) [نوح: ١٣-١٤]. فسبحان الله !

KAHEEL7.com

2726. Олимлар эмбрионнинг шаклланиш жараёни бир неча босқич ёки даврлардан иборат эканини икки юз йил аввал билишди, холос. Йигирманчи аср охирларига келиб, ушбу босқични суратга олиш имконига эга бўлишди. Лекин Қуръони карим ушбу илмий ҳақиқатни 1400 йилдан кўпроқ муддат олдин баён қилган эди:

**«Нима учун Аллоҳни улуғлашни (яъни Унга ибодат қилишни) ўйламайсизлар?! Ҳолбуки, У Зот сизларни босқичма-босқич яратди-ку!» (Нуҳ сураси, 13-14-оятлар).**

Ушбу ва қуйидаги оятларда нима сабабдан бандалар Аллоҳ таолога ибодат қилиши лозимлигига далиллар келтирилган. Аллоҳ таоло инсоннинг диққат-эътиборини аввало ўзининг қандай яратилганига қаратади. Дарҳқиқат, ҳар бир инсон она қорнида даставвал бир томчи сув бўлиб, сўнгра қуюқ қонга айланиб, кейин бир тишлам гўшт шаклига кириб, сўнгра унга жон ато этилиб, ёруғ дунёга келиши ҳақида ўйласа, ҳар бир соғлом ақл ва тоза дил эгаси беихтиёр

Яратганинг кудратига, улуғлигига тасаннолар айтиб, У Зотга сажда қилмай қолмайди.



2727. Тобеъинлардан баъзилари айтишди:  
 «Кимнинг гуноҳлари кўпайса, одамларга сув улашин. Ахир, итни сугорган кишининг гуноҳларини кечирган Аллоҳ қандай қилиб мўминни сугорган кишининг гуноҳларини кечирмасин?».

*Куртубий тафсиридан*



2728. Нима учун баъзиларга: «Аллоҳга тақво қил» ёки «Аллоҳдан қўрқ» дейилса, ғазаб қилишади? Ахир Аллоҳ Набийсига: «Эй Набий! Аллоҳга тақво қил» деган-ку?! (*Aҳзоб сураси, 1-оят*)



2729. Бир асалфуруш сиркафуруушдан: «Бу одамларга нима бўлган ўзи, асал олмай, кўпроқ сирка олишади?», деб сўради. У шундай деди: «Мен сиркани асал тил билан сотаман, сен эса асални сирка тил билан сотасан».



2730. Бошлиқнинг офати бошқарувнинг заифлигидир, олимларнинг офати эса бошлиқ бўлишни яхши кўришдир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2731. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Шамолни сўкманглар. Агар унда бирор кариҳ нарсани кўрсангиз, «Аллоҳумма, иннаа нас`алука мин хойри ҳаазиҳир-рийҳи ва хойри маа фийҳаа ва хойри маа умирот биҳи, ва наъуузу бика мин шарри ҳаазиҳир-рийҳи ва шарри маа фийҳаа ва шарри маа умирот биҳи» (Аллоҳум, Сендан шамолнинг яхшисини ва ундаги яхшиликларни ва у билан буюрган нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан шамолнинг ёмонидан, ундаги ёмонликлардан ва у билан буюрган ёмонликлардан паноҳ сўрайман) денглар».

И мом Термизий ривояти



د. أحمد عيسى المعصراوي

إذا رأيت قلبك  
لا يتتأثر ب القرآن فراجع نفسك


لأنَّ الله أَخْبَرَنَا  
أَنَّ هَذَا الْقُرْآنَ  
لَوْ أُنْزِلَ عَلَى جَبَلٍ  
لَّمْ تَصْدُعْ مِنْ خُشْبِيَّةِ اللَّهِ

2732. Қалбинг Қуръондан таъсирланмаётган бўлса, нафсингни бир назорат қилиб қўй. Зеро, Аллоҳ «Агар ушбу Қуръонни тоққа нозил қилганимизда унинг Аллоҳдан қўрққанидан титраб-қақшаб, парчаланиб кетганини кўрар эдинг», деган (*Ҳашр сураси, 21-оят*).



2733. Бир киши солиҳ зотдан: «Қуръондан қанча ўқий?» деб сўради. У зот «Саодатга эҳтиёжинг миқдорича», дедилар.

يوجد لغز في اللغة الإنجليزية يقول :  
 ما الأعجب من تنصير الفحم إلى مدينة نيوكاسل ؟  
 وذلك المدينة مشهورة جداً بتصدير الفحم ، فما الأغرب من  
 هذا ؟  
 أقول أن الأغرب من هذا ، هو أن يأتي أعمامي مثلني ليتحدث  
 إلى العرب أسماء الرسالة عن رمضان !!!  
 وأسأل لماذا كان رمضان بالشهر القمري لا الميلادي ؟  
 أقول : لقد أعطانا الله سبحانه وتعالى المرساة لأن يجرب  
 الجميع الصيام في كل موسم  
 لو كان الصيام حسب التقويم الميلادي ، فلما سلم الماطن  
 في الشتاء سيسعوه رمضان في قبيل الشتاء بكل أريحية  
 أما المسلم الماطن في الجحود فسيسعوه في الصيف بكل  
 مشقة وعذاب !!  
 أما بالتقويم الميلادي ، فالكل يأخذ فرصة عادلة ليجرب  
 الصيام في الشتاء تارة ، وبعد فترة سيسعوه في الصيف !!  
 إنه العدل في أيديه صورة  
 أحمد نيدات رحمة الله وطريق شراء ...



2734. «Ньюкасл шаҳрига қўмир экспорт қилиш» деган бир латифа бор. Гап шундаки, бу шаҳарнинг ўзи қўмир экспорти билан машҳурдир. Руслар буни «Тулага самовар олиб бориш» дейишиади. Ўрмонга ўтин кўтариб боргандек гап.

Бундан ҳам ҳайратланарли нарсани айтайми? Мендек бир ажамнинг рисолат эгалари бўлмиш арабларга Рамазон ҳақида гапираётганим ажабланарли эмасми?

Мен ўзимга-ўзим савол бераман: «Нима учун Рамазон ойи шамсий эмас, қамарий ойга қараб тутилади?» Жавоб шуки, Аллоҳ таоло инсонга йилнинг барча фаслларида рўза тутиш имконини берди. Агар рўза қуёш тақвимиға мувофиқ тутилса, шимоллик мусулмон Рамазон рўзасини қийналмасдан қиши фаслида тутар, аммо жанублик мусулмон уни ёзда, қийинчиликда, мاشақкатда тутар эди. Қамарий тақвимда эса ҳар бир инсон рўзани гоҳ қишида, гоҳ ёзда тутади. Бу энг гўзал суратдаги айни адолатдир.

*Aҳмад Дийдотроҳимаҳуллоҳ*



2735.

Оғирроқ нарса йўқ билсанг миннатдан,  
У гўё терингни шилганга ўхшар.  
Юзинг терисини шилган неъматдан  
Шод бўлма – юзингдан қимматга тушар!

«Унваанул байаан» китобидан.



2736. Салама ибн Акваб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Шамол кучайса, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Аллоҳумма, лақҳан, лаа әқийман»** (*Аллоҳим, уни ёмғирли, сувсиз қилиб қўйма*) дер эдилар.

*Ибн Сунний ривояти*




2737. Фарзандингиз ёлғон сўзлаяптими? Бунинг ечими бор:

Уни бироз ўз ҳолига қўйинг, чунки бола қўрқанида ёки қаттиқ босим остида қолганида ёлғон гапиришга мажбур бўлади. Унга бироз омонлик беринг, шунда унинг наздида ростгўйликнинг қадри ортади.

2738. Аъмашроҳимаҳуллоҳ айтдилар:

«Биз жанозага қатнашар эдик. У ерда йиғловчиликар кўплигидан кимнинг таъзияси эканини билмас эдик. Уларнинг йиғилари маййитга эмас, ўзлари учун бўларди».



### 2739. Шинқитий шундай дедилар:

«Неча кунлар ўтса-да, Аллоҳнинг китобидан бирор марта тиловат қилмаётганингни сезсанг, ҳолингга йиғлагин! Аллоҳга қасамки, бирор банданинг тоат-ибодатдан маҳрум қилиниши унинг Аллоҳдан узоқлашганини билдиради».



2740. Ёмонлик қилишга қодир бўлатуриб кечириш, камбағал бўлатуриб саховатли бўлиш ҳурматга сазовор ишларнинг энг гўзалидир. Улуғлик келтирадиган иш – амалнинг яхшиси, олқиши қозонтирадиган иш – истакнинг яхшисидир.

Ажабмас улуғлик мақомин олсанг,  
Ёмонлик қилишга қурбинг етган дам.  
Ночор рақибингни кечира олсанг,

Сахийлик қилолсанг, факир бўлсанг ҳам!  
 «Унваанул байаан» китобидан.



2741. Анас ибн Молик ва Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирор катта иш содир бўлса ёки қаттиқ шамол эсса, кўп такбир айтинглар, чунки бу қора тутунни узоклаштиради».

*Ибн Сунний ривояти*

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Шамол эсса, Расулуллоҳ алайҳиссалом тиззалирини ерга қўйиб, «Аллоҳуммажъалҳаа роҳматан, ва лаа тажъалҳаа ъазаабан. Аллоҳуммажъалҳаа рийсаҳан, ва лаа тажъалҳаа рийҳан» (Аллоҳим, уни раҳмат айлагин, азоб қилмагин. Аллоҳим, уни осойишта қилгин, бўрон қилмагин) дер эдилар.

*Имом Шофеъий «Ал-умм» китобларида ривоят  
қилганлар.*

Аллоҳ таоло Ўз Китобида шундай дейди:

«Биз уларнинг устига давомли наҳс кунида бир даҳшатли бўронни юбордик» (*Қамар сураси, 19-оят*);

**«Биз уларнинг устига туғмас** (фойдаси йўқ) **бўронни юборган эдик»** (*Ваз-зориёт сураси, 41-оят*);

«Биз шамолларни (булутларга) ҳомиладор қилиб юбордик» (*Хижр сураси, 22-оят*);

**«(Ёмғир ҳақида) хушхабар олиб келувчи шамолларни юбориши – У Зотнинг (илохий қудратига далолат қиласынан) оятларидандир»** (*Рұм сұраси, 46-оят*).

Имом Шофеъий айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломга камбағаллигидан шикоят қилган эди, у зот: «Сен шамолни сўккансан шекилли» дедилар».

Имом Шофеъий ушбу ҳадиснинг шарҳида шундай деганлар: «Бирор кишига шамолни сўкиш жоиз эмас, чунки у Аллоҳга итоат қилувчи маҳлукдир, У Зотнинг лашкарларидан биридир. Аллоҳ хоҳласа, уни раҳматга айлантириши, хоҳласа қасос, интиқомга айлантириши мумкин».



يؤكد العلماء أن الصوم هو عملية يمون جراحة فالصوم يعالج المضاعفات التي تتشكل في الكلى والمرارة وب تعالج الأورام الخبيثة وب تعالج الكبد ويعيد له حيونته ونشاطه، ويقول الباحثون: الصوم ينجح في اللهمات الصعبة حيث تفشل العمليات الجراحية! (إن تصفيهنا عن الكلى إن كلئنا عقيم) (المقotta ١٤).

2742. Замонавий тиббиёт олимлари рўзани жароҳатсиз амалиёт деб аташади. Дарҳақиқат, рўза буйрак ва ўтдаги майда тошларни хайдаб, ҳалокатли шишларни муолажа қилади. Ундан ташқари, жигарни ҳам муолажа қилиб, унинг асл фаолиятини тиклайди. Тадқиқотчиларнинг айтишича, рўза жарроҳлик амалиёти билан эришиб бўлмайдиган ўта оғир, муаммоли, муҳим муолажаларда қўл келган.

Аллоҳ таоло: «**Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир**», деган (*Бақара сураси, 184-оят*).



2743. Кимки бир мусулмон биродарини ғийбат қилиб қўйса, зудлик билан ҳақиқий тавбага шошилсин. Ҳақиқий тавба қилинган гуноҳни илдизи билан суғуриб ташлаб, пушаймон бўлиш ва қайта такрорламаслиkdir. Ғийбатнинг каффорати эса ўзининг ва ғийбат қилинган кишининг ҳаққига қуидагича истиғфор айтишдир: «**Аллоҳуммағfir ланаа ва лаху**» (*Аллоҳим! Бизларни ҳам, уни ҳам мағфират қилгин*).

Бу – ғийбат қилинган одамга хабар етиб бормагандаги ҳолатdir. Агар ўша кишига унинг ҳақида ғийбат қилингани

етиб борган бўлса, унинг ўзидан шахсан кечирим сўралади. Валлоҳу аълам.



2744. Ҳасан Басрий айтдилар:

Қалб олти нарса туфайли бузилади:

1. Тавба умидида гуноҳ қилиш;
2. Илм олиб, унга амал қиласли;
3. Амал қилиб, ихлосли бўлмаслик;
4. Аллоҳнинг ризқини еб, унга шукр қиласли;
5. Аллоҳнинг тақдирига рози бўлмаслик;
6. Ўликларни дағн қилиб, ибрат олмаслик.



2745. Жидду жаҳднинг чиройлиси – чарчаган пайтдагисиддир. Ростгўйликнинг чиройлиси – ғазаб келган вақтидагисидир. Яхшиликнинг афзали – кулфатга учраганга берилган ёрдамдир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2746. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумо айтадилар:  
«Юлдуз учса, унга қарамасликка ва: «**Маа шаа` Аллоҳ, лаа қувват а иллаа биллаах**» (*Аллоҳнинг хоҳиии. Аллоҳдан боиқада қувват ишқ*) дейишга буюрилганмиз».

*Ибн Сунний ривояти*



د احمد عیسیٰ المعصراوی

»أَنَا يُوسُفٌ وَهَذَا أَخِي«  
 لم يقل أنا عزيز مصر  
 بل ذكر اسمه خالياً من أي صفة  
 كبير النفس يبقى كبيراً لا تغره المناصب  
 جعلني الله وإياكم بأخلاق الأنبياء

2747. «Мен Юсуфман, бу эса менинг иним!» (*Юсуф сураси, 90-оят*)

Юсуф алайхиссалом: «Мен Мисрнинг каттасиман», демадилар. У зот ҳеч қандай сифат қўшмасдан, исмларини зикр қилдилар, холос.

Олийҳиммат зотлар буюклигича қолаверади, уларни мансабу мартабалар алдаб қўймайди!

Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам пайғамбарларнинг ахлоқи билан зийнатласин!



2748. Вафот қилганингда «Жасад қани?», «Мурда қаерда?» дейишади. **Исмингни айтишмайди...**

Жаноза намозингни ўқимоқчи бўлишганда «Тобутни хозирланглар», дейишади. **Исмингни айтишмайди...**

Дафн қилишаётганда «Майитни олиб келинглар», дейишади. **Исмингни айтишмайди...**

Шундай экан, қавминг, мансабинг, наслу насабинг сени алдаб қўймасин.

Бу дунё нақадар ҳақирдир, биз йўл олаётган охират эса нақадар улкандир!

Гуноҳларимизни кечириб, мусулмон ҳолимизда вафот қилдиргин, Аллоҳим!

## مفاتيح الفرج

**سورة الفاتحة**  
 1 اللَّهُ اللَّهُ رَبِّي لَا أَشْرِكُ بِهِ شَيْئًا  
 2 لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سَبَّحْتَنَّ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ  
 3 حَسِبْنَا اللَّهَ وَنَعْمَ الْوَكِيلَ  
 4 لَا حُولَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ  
 5 كُثْرَةُ الْاسْتَغْفَارِ  
 6 لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ  
 7 الْعَظِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَرَبُّ الْأَرْضِ  
 8 وَرَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ  
 9 اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزْنِ، وَالْعَجَزِ  
 10 وَالْكَسْلِ، وَالْبَخلِ وَالْجِنْ، وَضُلُّ الدِّينِ وَغَلْبَةِ الرِّجَالِ  
 11 يَا حَسِيبَ يَا قَيْوَمَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ  
 12 بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغْفِرُ  
 13 اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو فَلَا تَكْلِنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ

2749. Күшойиш калитлари (мушкулотларнинг ечимлари):

1. Фотиҳа сурасини ўқиши.

2. «Аллоху, Аллоху Роббий, лаа ушрику биҳи шай`ан» калималарини ўқиши (*Аллоҳ! Роббим Аллоҳ! Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайман*).

3. «Лаа илааҳа иллаа анта, субҳаанака, инний кунту миназ-золимиин» калималарини ўқиши («Үзингдан ўзга илоҳ йўқ, Сени поклаб ёд этаман! Мен (ўз-ўзимга) зулм қилганлардан бўлиб қолдим»).

4. «Ҳасбуналлоху, ва ниъмал вакийл» калималарини ўқиши (*Аллоҳга таваккул қилдик, У Зот нақадар улуғ Вакидир*).

5. «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах» калималарини ўқиши (*Ҳол ва қувват фақат Аллоҳ биландир*).

6. Кўп истиғфор айтиши.

7. «Лаа илааҳа иллаллоҳул ъазиймул ҳалийм. Лаа илааҳа иллаллоҳу Роббул ъаршил ъазийм. Лаа илааҳа иллаллоҳу Роббус-самааваати ва Роббул-арди ва Роббул-ъаршил қариим» калималарини ўқиши (*Азим ва Ҳалийм*

Аллоҳдан боиқа илоҳ йўқ. Буюк Аришнинг Робби Аллоҳдан боиқа илоҳ йўқ. Осмонларнинг Робби ва Ернинг Робби, Карамли Аришнинг Робби Аллоҳдан боиқа илоҳ йўқ).

8. «**Аллоҳумма, инний аъуузу бика минал ҳамми вал ҳазан, вал ъажзи вал қасал, вал бухли вал жубн, ва золааъид-дайни, ғолабатир-рижаал**» калималарини ўқишиш (Аллоҳум, ғам-ташвишдан, ожизлик ва дангасаликдан, баҳиллик ва қўрқоқликдан, қарзга ботиб қолишидан ва одамларнинг голиб келишидан Ўзингдан паноҳ сўрайман).

9. «**Йа Ҳаййу! Йа қойиуму! Лаа илааҳа илла анта**» калималарини ўқишиш (Эй Ҳайй ва Қайюм сифатли Роббим, Ўзингдан ўзга илоҳ йўқдир).

10. «**Аллоҳумма, роҳматака аржу, фа лаа такилний илаа нафсий торфата ъайнин**» калималарини ўқишиш (Аллоҳум, раҳматингдан умидворман, мени кўз очиб юмгунча ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўймагин).



2750. Ҳаққинг йўқ жойда тамаъ қиласлигинг, қулинг бўлмаган кишига катта кетмаслигинг, заифга зарар етказиш ҳисобига кучлига ёрдам бермаслигинг, насл-насабли одамни эҳтиром қилинишдан тўсмаслигинг ҳақиқий мардликдир.

«**Унваанул байаан**» китобидан.



2751. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам момақалдироқ ёки гумбурлаган чақмоқ овозини эшитсалар, «**Аллоҳумма, лаа тاқтуلناа бигодобик, ва лаа тухликнаа биъазаабик, ва ъаафинаа қобла заалик**» (*Аллоҳим, газабинг билан бизни ўлдирма, азобинг билан ҳалок қилма ва бизга бундан (яъни жонимизни олишингдан) олдин оғият бер*) дер эдилар.

*Имом Термизий ривоят қилганлар.*



2752. Роббим! Сенинг Улуғлигингга, Азаматингга лойик дуолар қандай бўлишини билмаймиз. Аллоҳим! Қалбимизда нима борлигини Ўзинг биласан, ўша айтишга ожиз бўлган нарсаларимизни биздан қабул этиб, ижобат қилгин, Аллоҳим! Омийн!



2753. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтдилар:

Банданинг ибодати заиф бўлса ҳам, яхши хулқи билан охиратдаги (баланд) даражаларга етишади. Банданинг ибодати кучли бўлса ҳам, ёмон хулқи билан жаҳаннамнинг энг тубига тушади.



2754. Ҳақ талабидаги кишига битта далил кифоя. Ҳавои нафсиға эргашган кишига мингта далил ҳам кифоя қилмайди. Жоҳилга бирон нарсани ўргатиш мумкин, аммо ҳавои нафсиға эргашган кимсани тўғри йўлга солишининг иложи йўқ!



2755. Давлатларнинг заволи турли пасткашликлар авж олиши билан юзага келади. Ғафлати узоқ кишининг давлати кўлдан кетади. Тадбир билан қўлга кирган оз нарса исроф билан эгалланган кўп нарсадан яхшироқдир.

*«Унваанул байаан» китобидан.*



2756. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анху момақалдироқ гумбурлаганини эшитсалар, гапдан түхтаб, «Субхааналлазий йусаббихур-роъду биҳамдиҳи вал маляикату мин хийфатих» (Момақалдироқ ҳамд ила, фаришталар ҳам қўрқув ила тасбих айтадиган Зотни поклаб ёд этаман) дер эдилар.

*Имом Молик «Муваттоъ» китобида ривоят қилганлар.*

## من تعجل شيئاً قبل أوانه عُوقب بحرمانه



2757. Ким бирор нарсага фурсатидан аввал шошилса, ўша нарсадан маҳрум бўлиш ила жазоланади!



2758. Ишонч капсуласи:

**«Бўшашманлар! Хафа бўлманлар! Агар мўмин бўлсаларингиз, сизлар устунсизлар» (Оли имрон сураси, 139-оят)**

Сабот капсуласи:

**«Агар сизга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам худи шунга ўхшаш жароҳат етган» (Оли Имрон сураси, 140-оят)**

Сабр капсуласи:

**«Бундай кунларни одамлар орасида айлантириб турдимиз» (Оли Имрон сураси, 140-оят)**

Саодат капсуласи:

**«Бизнинг мавлоимиз Аллоҳдир, уларнинг эса мавмолари йўқ».**

Фаҳм-фаросат капсуласи:

**«Кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Одамларга манфаат берадиган нарса эса ер юзида қолди» (Раъд сураси, 17-оят).**

Шижаот капсуласи:

**«Билиб қўй! Агар бутун уммат сенга бирор ёрдам бериш учун тўпланса, Аллоҳ сенга ёзиб қўйганидан бошқа нарсада ёрдам бера олмайди. Агар улар сенга бирор нарсада зарар бериш учун тўпланишса, Аллоҳ сенга ёзиб қўйганидан бошқа нарсада зарар етказа олишмайди. Қаламлар кўтарилиган, сахифалар қуриган» (Сунани Термизий).**

Хулоса капсуласи:

**«Аллоҳ «Мен ва Менинг расулларим ғалаба қиласиз», деб ҳукм қилган» (Мужсадала сураси, 21-оят).**

**«Улар ҳам макр қилишди, Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ «макр» қилгувчиларнинг устасидир» (Анфол сураси, 30-оят).**

*(Уламоларимиз Аллоҳга нисбатан одатдаги «макр» сифатини беришдан қайтаргандар. Шунинг учун ҳам Куръон ёки ҳадисда Аллоҳ таолога нисбатан «макр» лафзи ишилатилса, уни бандаларга нисбатан айтиладиган маънода тушуунмаслик керак)*

Тасалли капсуласи:

**«Оқибат тақвадорларни кидир» (Қосос сураси, 83-оят)**

Насиҳат капсуласи:

«Эй иймон келтирғанлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва содиқлар билан бирга бўлинглар» (*Тавба сураси, 119-оят*).

Асос капсуласи:

«Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинглар. Бу тақвога оид ишдир» (*Моида сураси, 8-оят*).



2759. Ҳақ билан ботил орасидаги кураш хавфли эмас. Аммо ҳақ билан ботил орасидаги фарқни ҳис қилиш туйғуси барҳам топиши хатарлидир.



2760. Иллатли қалб ботил нарсаларга мойил бўлади. Гуноҳларни тарқ этиш даражани оширади. Такво тўни эскирмайди. Юқори қўл пастки қўлдан яхшироқ. Сабр – ҳийласи қолмаган одамнинг ҳийласидир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2761. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши жума куни масжидга кирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб хутба айтаётган эдилар. Ҳалиги киши: «Эй Расулуллоҳ! Моллар ҳалок бўлиб, кўчалар ҳувиллаб қолди. Аллоҳдан сўраб беринг, бизга ёмғир юборсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб, шундай дедилар: «**Аллоҳумма, ағиснаа!** **Аллоҳумма, ағиснаа!** **Аллоҳумма, ағиснаа!**» (*Ёмғир бер, Аллоҳим*) дедилар. Осмонда на тўп, на тарқоқ булути бор эди. Саль тоғи шундоққина кўриниб турарди, уни биздан на бир уй, на бир ҳовли тўсиб турар эди. Бир пайт ана шу тоғнинг орқасидан қалқондек булути чиқиб, осмоннинг ўртасига келиб ёйилди, сўнг ёмғир ёғди. Аллоҳга қасамки, (кўп ёққанидан) қуёш бир қанча пайт кўринмай қолди. Ҳалиги киши келаси жумада яна ўша эшиқдан кириб келди. Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи васаллам ўшанда ҳам тик туриб хутба айтаётган эдилар. У: «Эй Расулуллоҳ! Моллар ҳалок бўлиб, кўчалар ҳувиллаб қолди. Аллоҳга дуо қилинг, ёмғирни тўхтатсин», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам икки қўлларини кўтариб, «**Аллоҳумма! Ҳаваалайна, ва лаа ъалайнаа! Аллоҳумма, ъалал аками ваз-зироб, ва бутунил авдийа, ва манабитиш-шажар**» (*Аллоҳим, устимизга эмас, атрофимизга! Аллоҳим, уни тепаликларга, тоғларга, водийларга, дараҳтзорларга!*) дедилар. Шундан сўнг ёмғир тўхтади. Биз кўчага чиқдик ва қуёш нури остида юриб кетдик».

*И мом Бухорий ва И мом Муслим ривояти*

**Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Дуолар ижобатини аскарлар душманга йўлиққанда, намозга турилганда ва ёмғир ёғаётганда сўранглар»**, деганлар.

*И мом Шофеъий «Ал-умм» китобларида ривоят  
қилганлар.*

Зайд ибн Холид Жуҳаний розияллоху анҳу ривоят қиладилар:

«Худайбияда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга кечаси ёққан ёмғирдан намиққан ерда бомдод намозини ўқиб бердилар. Намоз тугагач, одамларга юзланиб, **«Роббингиз нима деганини биласизларми?»** дедилар. Саҳобалар: «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ таоло шундай деди: «Бандаларим Менга мўмин ёки коғир бўлган ҳолда тонг оттирадилар. Ким «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати сабабли ёмғир ёғди» деса, ана шу киши Менга иймон келтирган, сайёрага куфр келтирган бўлади. Ким «Сайёрадаги ундей, бундай ўзгаришлар сабабли ёмғир ёғди» деса, ана шу киши Менга куфр келтирган, сайёрага иймон келтирган бўлади».**

*И мом Бухорий ва И мом Муслим ривояти*

إن شريعة محمد ستسود  
العالم لاتسجامها مع  
العقل والحكمة .

ليو تولستوي

الحكمة والعلم

2762. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари ақл ва ҳикматга үйғун бўлгани учун бутун дунёга хукмронлик қиласи.

*Лев Толстой*

الفتية في سورة الكهف ..  
والراهب في قصة أصحاب الأخدود ..  
والنبي في الهجرة ..  
كلهم التجأوا إلى الكهوف ..  
عندما تقسو قلوب الرجال  
تلين لهذا الدين قلوب العجائب !!



2763. Каҳф сурасидаги йигитлар, Буруж сурасида зикри келган Ухдуд соҳиблари қиссасидаги роҳиб, Мадинага ҳижрат қилаётганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам –

барчалари ғорга талпиниши. Демак, одамларнинг қалби қотган пайтда ушбу дин учун ҳатто тоғларнинг ҳам қалби юмшар экан!



2764. «Сизларнинг ҳузурингиздаги нарса тугайди, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса боқийдир» (*Наҳл сураси, 96-оят*)

Ҳамма нарсанг ўлим пайтида қўлингдан бой берасан. Қабрда эса фақат солиҳ амалинг манфаат беради, холос.



2765. Донишманд деди: «Салга жаҳл қиласвериш гўдакларнинг иши, қўлдан кетган нарса учун дод-вой қилиш хотинларнинг иши».



2766. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таолодан сўрайдиган ёки бирор кишидан илтимос қиласидиган иши бор одам яхшилаб таҳорат олиб, икки ракъат намоз ўқисин ва Аллоҳга сано, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиб, ушбу дуони ўқисин: «Лаа илааха اillallahو لا يشريك لـه، خالیلیм کариим. Субҳааналлоҳи Роббил ъаршил ъазийм. Алҳамду лиллаахи رоббил ъааламийн. Ас`алука мужийбати роҳматик, ва ъазоима мағфиротик, вал ғониймата мин кулли бирр, вас-салаамата мин кулли исм, лаа тадаъ лий занбан илла ғофартаҳ, ва лаа ҳамман илла фаррожтаҳ, ва лаа ҳаажатан ҳия лака ризон илла қозойтаҳ, йаа арҳамар роҳимиин!» (Ҳалиму Карим сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ арининг Робби Аллоҳни поклаб ёд этаман. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин. Раҳматингга лойиқ қиласидиган, мағфиратингни вожиб қиласидиган нарсани, барча яшииликлардан насибадор бўлишини, барча гуноҳлардан омон бўлишини сўрайман. Бирорта гуноҳимни қолдирмай мағфират

қилишингни, бирорта ташвишиимни қолдирмай аритишингни, Ўзинг рози бўладиган бирор ҳожатимни қолдирмайраво қилишингни сўрайман, эй раҳм қилгувчиларни раҳмлиси!)

*И мом Термизий ва Ибн Можса ривояти*



2767. «Биродарим Ҳоруннинг тили мендан кўра бурророк» (*Қасос сураси*, 34-оят)

Бошқаларнинг фазилатини эътироф қилиш пайғамбарларнинг хулқлариданdir.

Бошқаларнинг фазилатини инкор қилиш шайтон хусусиятлариданdir.

«Шайтон: «Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг ва уни лойдан яратдинг», деди» (*Аъроф сураси*, 12-оят)



2768. Ибн Аббос розияллоху анхумо қадрлари улуғ зот бўлишларига, кенг қамровли илмга эга бўлишларига қарамай, Зайд ибн Собитнинг уйига илм олгани келиб, «Илм олгани келинади, илм бергани борилмайди», дер эдилар.



2769. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энг ёмон одам иккиюзламачилик қиласидиган, кимгадир бир юзи билан, бошқаларга бошқа юзи билан қарайдиган кимсадир», деганлар.

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анхуга: «Баъзи одамлар биз нифоқдан қўрқмаймиз, дейишияпти-я», дейишиди. У зот: «Мунофиқликдан йироқ эканимни билганим мен учун дунё тўла олтиндан яхши», дедилар.



2770. Ғазаби кўпдан ҳамма безор, зулми кўп ҳаммадан маҳрум. Қалб ўзини тийишдан наф топса, тил ўз хикматларидан наф топади.

«Унваанул байаан» китобидан.



2771. Аллоҳ таоло шундай дейди:

«(Эй Мұхаммад!) уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини тозалаб, поклайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг» (*Тавба сураси, 103-оят*).

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:


«Бирор қавм садақа олиб келадиган бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Аллоҳумма, солли алайҳим»** (*Аллоҳим, уларни ёрлақагин*) дер эдилар.

Абу Авфо садақа олиб келганда ҳам: **«Аллоҳумма, солли ъалаа аали Аби Авфа»** (*Аллоҳим, Абу Авфониг оиласини ёрлақагин*), деб айтганлар.

### *Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*

Имом Шофеъий шундай деганлар: «Закотни олган одам хоҳласа, закот берган одамнинг ҳаққига «Ажарокаллоҳу фии маа айтойта ва жаъалаҳу лака тоҳуурон ва баарока лака фии мав абқойта» (*Берганингга Аллоҳ ажр ато қилсин, покловчи қилсин, қолганига барака берсин*) десин».

Закот, садақа, назр, каффарат ёки шунга ўхшаш нарсаларни берган одамнинг «Роббанаа! Тақоббал миннаа, иннака антас-самийъул ъалийм» (Роббимиз, биздан қабул қил, Сен эшитгувчи, билгувчи Зотсан) дейиши мустаҳабдир.



2772. Ибн Сирин шундай деган эканлар: «Биродарингнинг ўзинг билган бир ёмон жиҳатини гапириб, яхшилигини айтмаслигинг унга нисбатан зулмдир».



2773. Закариё алайҳиссалом: «Суякларим мўртлашди, кексайиб, сочим оқарди, хотиним туғмас бўлиб қолган», деган эдилар. Аммо ноумид бўлишга учта аниқ сабаб бор бўлса ҳам, имкон эшиклари ёпиқ бўлишига қарамай, умидворлик билан: «Роббим! Сенга дуо қилиб, (ҳеч қачон) ноумид бўлган эмасман», деганлар.

Аллоҳ таолога нақадар буюк ишонч!



2774. «Эй чумолилар! Масканларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкари билмай, сизларни босиб-янчиб кетмасин» (*Намл сураси, 18-оят*).

Эътибор беринг, ҳатто чумоли ҳам «билмай» деб, яхши гумон қилмокда. Баъзи одамлар бундай яхши гумондан ожиздир.



2775.

Дангасалик сабаб бугунги ишни эртага кечиктирмайман. Чунки эрта ожизларнинг кунидир.


«Унваанул байаан» китобидан.



2776. Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам янги чиққан ойни кўрсалар, «Аллоҳумма, аҳиллаҳу ъалайнаа билйумни вал иймани вас-салаамати вал ислаам. Роббий ва Роббукаллоҳ» (Аллоҳум, бизга бу ойни баракотли қилгин, иймон ойи, саломатлик ойи, Ислом ойи қилгин. (Эй ҳилол!) Менинг Роббим ҳам, сенинг Роббинг ҳам Аллоҳдир) дер эдилар.

*Доримиий ва Термизий ривояти*



2777. «Аллоҳ кимни хор қилиб қўйса, уни азиз қилувчи бўлмас» (*Хажс сураси, 18-оят*)



2778. Ҳаёт ўлимдан сўради: «Нима учун одамлар мени яхши кўради, сени эса ёмон кўради?»

Ўлим деди: «Чунки сен гўзал ёлғонсан, мен эса аччиқ ҳақиқатман».



2779. Энг қийин имтиҳон қабр имтиҳонидир. Бу имтиҳондан йиқилғанлар жаҳаннамга қулайдилар.



2780. Ҳолатини яхшиламоқчи бўлган одам ҳийлага чирой беришдан тўхтайди.

«Ўзининг яхши ҳолатига суюниб колган одам чиройли тадбирдан тўхтаб қолади, яъни унда ўсиш бўлмайди».

«Унваанул байаан» китобидан.



2781. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги чиққан ойни кўрсалар, «Аллоҳу ақбар! Аллоҳумма, аҳиллаҳу ъалайнаа бил амни вал иймаани вас-салаама, вал ислаами ват-тавфиқи ли маа тухиббу ва тарзо. Роббунаа ва Роббукаллоҳ» (Аллоҳ улугдир! Аллоҳум, бизга бу ойни омонлик, иймон, саломатлик, ислом, тавфиқ ойи қилгин, Ўзинг яхши кўрадиган ва рози бўладиган ой қилгин. (Эй ҳилол!) Менинг Роббим ҳам, сенинг Роббинг ҳам Аллоҳдир) дер эдилар.


*Дораимиий ривояти*



د. أحمد عيسى المعصراوي

إذا كنت في زمان يكون الوصول فيه إلى  
الحرام أسهل.....  
فاعلم أنه زمان يكون فيه ثواب الخوف من  
الله أعظم.....

2782. Ҳаромни топиш жуда осон бўлган замонда яшаётган бўлсанг, билиб қўйки, Аллоҳдан қўрқишининг савоби жуда катта замонда яшаётган экансан.




2783. Хотиржамликда ҳамма бир хил бўлади, қийинчилик келиб қолганда эса фарқлар билиниб қолади.

Ибн Холдун



قال ابن مسعود رضي الله عنه  
إن استطعت أن تحمل كنزك حيث لا يأكله  
السوس، ولا تناه اللصوص؛ فافعل بالصدقة

2784. Ибн Масъуд розияллоҳу анху: «Қурт-қумурска емайдиган, ўғри ўғирлай олмайдиган хазина бўлгинг келса, садақа қил!» дедилар.



2785. Бахил бой сахий камбағалдан ҳам камбағалроқдир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2786. Қатода розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги ойни кўрсалар, «Ҳилаалу хойрин ва рушдин, ҳилаалу хойрин ва рушдин, ҳилаалу хойрин ва рушдин. Ааманту биллааҳиллазий холақока» (Яшилик ва ҳидоят ойи, яшилик ва ҳидоят ойи, яшилик ва ҳидоят ойи (бўлсин) деб уч марта айтиб, сўнгра: «Алҳамду лиллааҳиллазий заҳаба биш-шахри казаа ва жаа`а биш-шахри казаа» (Сени яратган Аллоҳга иймон келтирдим. У ойни кетказиб, бу ойни келтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин) дер эдилар.


*Абу Довуд ривояти*



## 2787. Рамазоннинг охирги ўн кунлигидаги фикрлар

- Ҳар кеча кам бўлса ҳам садақа қилгин, чунки садақанг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар куни садақа қилган бўласан;
- Рамазоннинг охирги кунидаги кечаларда икки ракъат бўлса ҳам таҳажжуд намози ўқигин, чунки шу намозинг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар кеча таҳажжуд ўқиган бўласан;
- Рамазоннинг охирги кунида уч марта Ихлос сурасини ўқигин, агар тиловатинг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар куни Қуръон тиловат қилган бўласан.

Аллоҳим! Бизларни ана шу майдонда ғалаба қозонувчилардан қилгин!



2788. Дуо қилаётганингда вақтинг тиғиз бўлса, аммо қалбинг эҳтиёжга тўлиб кетган бўлса, Аллоҳдан фақат афв сўраб дуо қилавер! Аллоҳ сени афв қилса, ҳожатларинг сўрамасанг ҳам раво бўлаверади.

**«Аллоҳумма, иннака ъафуввун, кариймун, тухиббул афва! Фаъфу ъаннаа»** (Аллоҳим, Сен афв қилувчи, карамли Зотсан, афв қилишини яхши кўрасан. Бизни афв этгин)

Оиша розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бугун Лайлатул қадр эканини билсам, нима дейин?» деб сўрадилар, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳумма, иннака ъафуввун, тухиббул ъафва, фаъфу ъаний»** (Аллоҳим, Сен афв қилгувчисан, афв қилишини яхши кўрасан, мени афв қилгин) дегин», дедилар.

*Имом Термизий, Насаий, Ибн Можса ривояти.*



2789. Инсон қайси босқичда бўлмасин, бошидан ўтказган оғир кунлари ва йўлдаги тойилишлардан сабоқ олиб, ҳаётини янгидан бошлашга доим имкон бор.



2790. Амр ибн Ос шундай деди: «Қалб – сир сакланадиган идишдир, лаб унинг қулфи, тил эса унинг қалитидир. Ҳар бир инсон сирининг қалитини сакласин».

«Унваанул байаан» китобидан.



2791. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Янги ой чиққанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг қўлимдан ушлаб, «Зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрагин», дедилар».

*Ибн Сунний ривояти*

Зайд Номирий розияллоҳу анҳу қилган ривоятда шундай дейилган: «Ражаб ойи келса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳумма, баарик ланаа фии ражабا, ва шаъбаана ва баллиғнаа Ромазон» (Аллоҳум, ражаб ва шаъбонни баракотли қилгин ва бизни Рамазонга етказгин) дердилар».

*«Хулятул авлиё»да ривоят қилинган*



2792. Конун баъзи жиноятларга жазо бермаслиги мумкин, аммо вақт уларга оғир жазо беради. Ишонмасангиз, ана, зулм қилғанлардан сўранг...

دخل لص بيت مالك بن ديثار (رحمه الله)  
فبحث عن شئ يسرقه فلم يجد ثم نظر فإذا بمالك يصلي،  
فعندها سلم مالك ونظر إلى اللص فقال :  
" جئت تسأل عن متاع الدنيا فلم تجد ..  
" فهل لك في الآخرة من متاع ؟ !"  
فاستجاب اللص وجلس وهو يتعجب من الرجل !!  
فبدأ مالك يعظ فيه حتى بكى وذهبما معاً إلى الصلاة ..  
وفي المسجد تعجب الناس من أمرهما :  
" أكبر عالم مع أكبر لص .. أيعقل هذا ؟؟!"  
فسألوا مالكا فقال لهم :  
" جاء ليسرقنا .. فسرقنا قلبه".

هكذا القلوب  
اللهم ثبت قلوبنا على دينك وعلى طاعتكم

2793. Бир куни Молик ибн Динорнинг уйига ўғри тушди. Тушишга тушди-ю, қўлга илинарли бирор нарса топа олмади. Қараса, Молик намоз ўқиётган экан. Молик салом бергач, ўғрига қараб: «Сен бу ерга дунёнинг матоҳини излаб келиб,

топмадинг... Охиратинг учун матоҳинг етарлими?!» деди. Бу сўзлар ўғрига қаттиқ таъсир қилди. У лом-мим дея олмай қолди. Молик ўғрига ваъз-насиҳат қилган эди, у йиғлаб юборди... Бироздан сўнг икковлари биргаликда намозга боришиди. Масжиддаги одамлар улуғ олим билан машҳур ўғрибошини бирга кўриб, Моликка савол назари билан қарашиди. У: «Ўғри бизнинг молимизни ўғрилашга келган эди, биз унинг қалбини ўғирлаб қўйдик», деди.

**Ҳақиқий қалб ана шундай бўлади!**

**Аллоҳим! Қалбларимизни дининг ва тоатингда событқадам қил!**



2794. Мутаассиб одамнинг ақли кўз қорачиғига ўхшайди, ёруғлик, нур тушган сари торайиб боради.



2795. Улуғлигимизни сақлаш учун пулларимизни хорлаймиз (сарфлаб юборамиз).

Пулини хор тутган кишигина обрўсини сақлаб қолади.

«Унваанул байаан» китобидан.



2796. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Рўза инсонни шаҳватдан тўсади. Бирортангиз рўза тутса,

**нолойик сўзлар айтиб, жоҳиллик қилмасин. Бирор киши уни уришса ёки сўкса, «Мен рўзадорман, мен рўзадорман», десин».**

*И мом Бухорий ва И мом Муслим ривояти*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Уч тоифанинг дуоси рад этилмайди: рўзадорнинг ифтордан олдинги дуоси, одил имомнинг дуоси, мазлумнинг дуоси».

*И мом Термизий ва Ибн Можа ривояти*

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғиз очганларида: «Заҳабаз-замаа, вабталлатил-урууқ, ва сабатал ажр, иншааллоҳу таъаала» (*Чанқоқлик кетди, томирлар ҳўлланди, Аллоҳ хоҳласа, ажрлар собит бўлди*) дер эдилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривояти*

إذا نصحت أحداً فقال له :

أكثراً الناس يفعلون هذا !

فقل له :

لَوْ بَحَثْتُ عَنْ كَلْمَةٍ "أَكْثَرُ النَّاسِ" فِي الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ لَوْجَدْتَ

بَعْدَهَا :

(لَا يَعْلَمُونَ - لَا يَشْكُرُونَ - لَا يَؤْمِنُونَ) ! ..

ولَوْ بَحَثْتُ عَنْ كَلْمَةٍ "أَكْثَرُهُمْ" ..

لَوْجَدْتَ بَعْدَهَا :

(فَاسِقُونَ - يَجْهَلُونَ - مَعْرُضُونَ - لَا يَعْقُلُونَ - لَا يَسْمَعُونَ) !! ..

فَكَنْ أَنْتَ مِنَ الْقَلِيلِ الَّذِينَ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِمْ :

{ وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِي الشَّكُورِ } ..

{ وَمَا آمَنَ مَعَهُ إِلَّا قَلِيلٌ } ..

{ ثُلَّةٌ مِّنَ الْأُولَئِينَ وَقَلِيلٌ مِّنَ الْآخِرِينَ } ..

فَالْكَثُرَةُ لَيْسَتْ معياراً لِلْحَقِّ دَائِماً ..

2797. Бир кишига насиҳат қилсанг-у, у сенга: «Ҳозир кўпчилик шундай қиляпти-ку?» деса, унга қуидагича жавоб бер:

«Қуръони каримдан «Одамларнинг кўпчилиги» деган сўзни қидирсанг, «Одамларнинг кўпчилиги билмайди», «Одамларнинг кўпчилиги шукр қилмайди», «Одамларнинг кўпчилиги иймон келтирмайди» деган оятларни топасан.

«Уларнинг кўпчилиги» деган сўзни қидирсанг, «Уларнинг кўпчилиги фосиқлардир», «Уларнинг кўпчилиги жоҳиллардир», «Уларнинг кўпчилиги юз ўғирганлардир», «Уларнинг кўпчилиги ақл ишлатмайдиганлардир», «Уларнинг кўпчилиги эшитмайдиганлардир», деган оятларни топасан.

Кел дўстим, яхиси Аллоҳ таоло зикр қилган мана бу озчиликлардан бўлақол:

**«Бандаларимнинг шукр қилувчилари оздир»** (*Сабаъ сураси, 13-оят*).

**«У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди»** (*Худ сураси, 40-оят*).

**«...жаннатлардадир. Аввалгилардан кўпчилик, охиргилардан озчилиқ»** (*Воқеъа сураси, 13-оят*).

Кўпчилик ҳар доим ҳам ҳақнинг меъёри, ўлчови бўлавермайди».



Ahmed Deedat

إن هذا الدين جاء ليتشر ويسود فوق كل دين  
و ملة و طريقة .. هذا وعد الله الحق .. بل أو  
"بدونك"  
أحمد ديدات

2798. «Ислом дини тарқалиш, барча дин, миллат ва йўналишлардан устун бўлиш учун келгандир. Бу Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. У сен билан ҳам, сенсиз ҳам тарқалаверади».

*Аҳмад Дийдот*



2799. Мутакаббирга такаббурлик қилиш айни тавозеъдир.



**2800. Сир сақлаб билмасга айтмагин сирлар,  
Чунки зарари бор унга айтишнинг,  
Эй дўст, кўрганмидинг қадрини ҳеч бор,  
Ичида ҳеч нарса турмас идишнинг.**

«Унваанул байаан» китобидан.



2801. Муоз ибн Зухра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифтор қилғанларида «Аллоҳумма, лака сүмту ва ъалаа ризқика афторту» (Аллоҳум, Сен учун рўза тутдим ва ризқинг билан ифтор қилдим) дер эдилар».

*Абу Довуд ривояти.*

هل تعرفون ما هي الامنيات

- ياليتني - كنت قرابا
- ياليتني - قدست لحياتي
- ياليتني - لم أورت كتبه
- ياليتني - لم أخذ فلانا خليلا
- ياليتنا - أطعنا الله وأطعنا الرسولا
- ياليتني - اخترت مع الرسول سبيلا
- ياليتني - كنت معهم فافوز فوزا عظيما
- امنيات يمكننا إدراكها الآن
- قلندركم ما دمنا حياء

2802. Ҳақиқий орзу-ҳавас нималигини биласизми?

**«Эх, кошкийди (қайтадан) тупроққа айланиб кетсам»**  
*(Наба сураси, 40-оят).*

**«Эх, кошкийди ҳаёт вақтимда (яхши амаллар) қилиб ўтган бўлсам!»** (*Фажр сураси, 24-оят*).

**«Эх, қанийди (номаи аъмол) китобим берилмаса эди!»**  
*(Ал-Ҳаққо сураси, 25-оят).*

**«Қанийди фалончини дўст тутмаган бўлсам»** (*Фурқон сураси, 28-оят*).

**«Кошкийди бизлар ҳам Аллоҳга итоат этганимизда, Пайғамбарга итоат этганимизда»** (*Аҳзоб сураси, 66-оят*).

**«Кошкийди мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафарга эришсам»** (*Нисо сураси, 73-оят*).

Модомики тирик эканмиз, ушбу орзу-умидларни ҳозироқ идрок қилмоғимиз даркор.

### لا تترك القراءة

إن لم تكن من : ﴿يَتَلَوْهُ حَقَّ تِلَاقِهِ﴾  
 فعلى الأقل : ﴿أَفَرَرُوا مَا تَيْسَرَ مِنْهُ﴾  
 فإنْ فاتَ عَلَيْكَ هَذَا وَذَاكَ : ﴿فَاسْتَمْعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا﴾

2803. Қуръон ўқиши тарқ қилманг!!!

**«Қуръонни ўрнига қўйиб тиловат қиласиганлар»** тоифасидан бўлмадингизми, лоақал «(Ўзингизни қийнамай, Қуръондан) мұяссар бўлганича ўқийверинглар» тоифасидан бўлинг! (*Бакара сураси, 121-оят, Муззаммил сураси, 20-оят*)

Унинг ҳам, бунинг ҳам имкони бўлмаса, **«Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутинглар ва жим туринглар»** тоифасидан бўлинг! (*Аъроф сураси, 204-оят*)



2804. Германияда энг катта маош оладиганлар ўқитувчилар экан. Судья, доктор ва инженерлар ҳам ўқитувчилар каби маошларини күтаришни канцлердан талаб қилишганда, у буни кескин рад этиб, «Таълим берган устозингизга сизларни қандай тенглаштираман?» деб жавоб берган экан.



2805. Оқилнинг гумони жоҳилнинг ишончиidan яхшидир. Оқибати мақталадиган кам нарса оқибати ёмонланадиган кўп нарсадан яхшидир.

«Унваанул байаан» китобидан.




2806. Муоз ибн Зухра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифтор қилсалар, «Алҳамду лиллаҳиллаزий аъаананий фасумту, ва розақоний фанафторту» (Аллоҳга ҳамд бўлсин. У менга ёрдам берди, рӯза тутдим. Менга ризқ берди, ифтор қилдим) дер эдилар.

*Ибн Сунний ривояти*



2807. Аллохим! Солиҳа бўлсам, менга солиҳ куёв насиб қил. Солиҳа бўлмасам, мени тўғри йўлга бошлайдиган куёв насиб қил!



2808. Телевидение, радио, газета- журналлар битта хатарли нарса устида беллашади, у ҳам бўлса – инсоннинг ўзлигини ўғирлашдир.

*Доктор Мустафо Маҳмуд*



د. أحمد عيسى المعصراوي

﴿عَبَسَ وَتَوَلََّ أَنْ جَاءَهُ الْأَعْمَى﴾

جاء النهي عن العbos في وجه الأعمى  
 وهو لا يرى فكيف بمن يرى؟  
 تبسموا لمن حولكم فالحياة قصيرة

2809. «У (Пайғамбар алайҳиссалом) ҳузурига кўзи ожиз келганида қовоғини солди ва (ундан) юз ўғирди» (*Абаса сураси, 1-2-оятлар*).

Аллоҳ таоло кўзи кўрмайдиган, ожиз одамга қовоқ солиб, қош чимиришни ман қиляпти. Кўзи соғлом одамга қовоқ солиш қандай бўларкин?

Атрофингдагиларга табассум қил, ҳаётимиз жуда қисқа!



2810. Сабр қилишга қарор қилиш заар үтини ўчиради. Сенинг яхшилигингга ишонган одам хукмронлигинг давомли бўлишини хоҳлайди.

«Унваанул байаан» китобидан.



2811. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифтор қилсалар,  
«Аллоҳумма! Лака сумнаа ва ъалаа ризқика афтормаа,  
фатақоббал миннаа, иннака антас-Самиъул ъалийм»  
(Аллоҳум! Сен учун рӯза тутдик, ризқинг билан ифтор

қилдик. Биздан қабул қил, Сен билгувчи, эшиитувчи Зотсан) дер эдилар».

*Ибн Сунний ривояти*

Оиша розияллоху анҳо: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бугун Лайлатул қадрлигини билсам, нима дейин», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳумма، иннака ъафуввун، тухиббул ъафва، фаъфу ъаний», дегин»** (*Аллоҳим! Сен афв қилувчисан, афв қилишини яхии кўрасан. Мени афв этгин*).

*Имом Термизий, Насаий, Ибн Можа ривояти.*

Уламолар Қадр кечасида мана шу дуони ўқишини, Қуръон тиловат қилишини ва бошқа дуо-зикрларни кўп айтишини мустаҳаб дейишган.



د أحمد عيسى المعصراوي

يقول الشّيخ الشنقيطي: إذا هبّا عندك  
الإيمانُ وتكاسلَ عن العبادة، فالزمَ هذا  
الدُّعاء: اللَّهُمَّ لَا تجعلنِي شَقِيقاً وَلَا  
مَحْرُوماً.

2812. Шайх Шинқитий айтадилар:

«Иймон сустлашиб, ибодатга танбал бўлиб қолсанг, ушбу дуони кўп айтгин: **«Аллоҳумма лаа тажъالний шақийян ва лаа маҳруман»** (*Аллоҳим! Мени бадбахтлардан, маҳрумлардан қилиб қўйма!*).



2813. Нафс ислоҳи бир дафъада ёки вақтинча юзага келган завқ-шавқ билан содир бўлмайди. Нафснинг ислоҳи жидду-жаҳд, сабру-тоқат ва матонат мевасидир!

«Биз учун курашган зотларни албатта йўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз» (*Анкабут сураси, 69-оят*).

### ارخ يدك بالصدقة

(ترخي جبال المصائب ) من على عنقك

وأعلم أن حاجتك إلى أجر الصدقة

أشد من حاجة من تصدق عليه

ابن القيم رحمه الله

2814. Кўлингни садақа билан бўшатгин, шунда бўйнингдаги мусибатлар арқони ҳам бўшашади. Билгинки, садақанинг савобига бўлган эҳтиёжинг садақа олаётган кишининг эҳтиёжидан ҳам кўпроқдир.



2815.

Мақтайдиган дўстлар топилар бисёр,  
Зарар етказувчи ҳасадчилар бор.  
Бу ҳолга оддий бок, эътибор берма,  
Улардан қутулмоқ жуда ҳам душвор.

Саховатсиз кимса бўлолмас бошлиқ,  
Уни раҳбар этиб бўлмагай элга!  
Уятдир дўстларни ёмонламоқлик,  
Оловдир сultonни олмоқлик тилга!

«Унваанул байаан» китобидан.



2816. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рўзадорнинг ифтор пайтидаги дуоси рад қилинмайди», деганлар».

Ибн Абу Мулайка шундай дедилар: «Абдуллоҳ ибн Амр ифтор қилсалар, «**Аллоҳумма، инний ас`алука бироҳматикаллатий васиъат кулла шай`ин ан тағфири лий**» (*Аллоҳум! Ҳамма нарсадан кенг бўлган раҳматинг ила мени мағфират қилишингни сўрайман*) дер эди».

*Ибн Можса ва Ибн Сунний ривояти*



2817. Кемани сув ичида кўриш табиий ҳол. Лекин сувни кема ичида кўриш хавфлидир.

Сен ҳам дунёнинг қалбида бўлавер, аммо зинҳор қалбингга дунёни киритиб олма!

## طعنة العدو تدمي الجسد وطعنة الصديق تدمي القلب

2818. Душманнинг найзаси жасадни, дўстнинг найзаси эса қалбни қонга белайди.

نصح حكيم ولده  
ذات يوم و قال :  
يا بني  
عندما تكون في فرح  
لا تأمن الدنيا وتقلبها  
وإن كنت في شدة  
فلا تيأس من رحمة الله  
بل كن وسطياً

2819. Бир ҳаким зот ўғлига шундай насиҳат қилди:  
«Ўғлим! Хурсанд пайтингда дунёдан, унинг ўзгариб қолишидан хотиржам бўлма! Қийин ҳолатда эса Аллохнинг раҳматидан ҳам ноумид бўлма! Васатий – мўътадил бўл!»



2820. Мукаммал самимият – ислохга буюришдир. Энг хунук хиёнат – ёмонлик қилишга маслаҳат беришдир. Қўлидагини сақлай олган, бугунги ишни эртага қўймайдиган киши ҳақиқий сабит кишидир.

«Унваанул байаан» китобидан.



2821. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Убоданикига ифторлик қилгани бордилар. Мезбон

дастурхонга нон ва ёғ қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан тановул қилиб, сўнг: «Афторо ъиндакумус-соимуун, ва акала тоъаамакумул-аброр, ва соллат ъалайкумул-малааика» (Уйингизда рўзадорлар ифтор қилишиди, таомингизни яхшилар еди, сизларга фаришталар саловот айтди) дедилар.

**«Уйингизда рўзадорлар ифтор қилсин, таомингизни яхшилар есин, сизларга фаришталар саловот айтсин» эмасми?**

*Абу Довуд ривояти*



2822. Йиллик маошларингдан йифиб, бу дунё ҳаёти учун ҳовли қурасан.

Аллоҳ эса ўқиган равотиб суннатларингни йифиб, сенга жаннатда бир уй қуради

(Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир мусулмон banda ҳар куни фарздан ташқари ўн икки ракат ихтиёрий намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй қуриб беради», деганлар. Умму Ҳабиба: «Шундан бери уларни доимо ўқиб келаман», деган».

*Имом Муслим ва бошқалар ривояти.*

Имом Термизийнинг ривоятида: «**Пешиндан олдин тўрт ва кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат, бомдоддан олдин икки ракъат**» деб қўшимча қилинган.

Изоҳ: Фарз намозларидан кейин ўқиладиган суннат намозлар фарз намоздаги баъзи қусур ва камчиликларнинг ўрнини тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам шариатда бу намозларни равотиб ёки «мукаммилот» (тўлдирувчилар) деб аталади.

فقط .. لندرك حجم المشكلة التي سوف تواجه  
أجيالنا القادمة ...



2823. Бу суратни ўсиб келаётган авлодларда дуч келинадиган муаммонинг нақадар аянчли эканини кўриш учун қўйдик!

**لِيْسَ الْخُوفُ أَنْ يَحْرِمَ اللَّهُ**

**وَأَنْتَ تُطِيعَهُ**

**إِنَّمَا الْخُوفُ أَنْ يَعْطِيَكَ اللَّهُ**

**وَأَنْتَ تُعَصِّبَهُ**

@BTAQAT

قال تعالى :

( سُنْنَتُ دُرْجَاتِ جَهَنَّمَ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ )

2824. Аллоҳга итоат қилиб турганингда Аллоҳ сени (неъматлардан) маҳрум қилиши хавфли эмас. Аммо осийлик қилиб турганингда ҳам неъмат беравериши хатарлидир!

**«Уларни ўзлари билмайдиган, сезмайдиган томондан аста-секин (ҳалокатга дучор қилажакмиз)!» (Қалам сураси, 44-оят).**



2825. Ношукрлик қилган бўлса ҳам дўстингдан узилма. Шукр қилаётган бўлса ҳам душманингга суюнма. Қанчадан-қанча юз ўгириладиган олимлар бор, қанчадан-қанча кулок тутиладиган жоҳиллар бор.

**«Үнваанул байаан» китобидан.**



2826. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғиз очганларида: «Заҳабаз-зомау вабталлатил урууқ, ва сабатал ажру, иншааллоҳу таъалаа» (Чанқоқлик кетди, томирлар ҳўлланди. Иншааллоҳ, ажр ҳам собит бўлди) дер эдилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривояти*



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى:

﴿ ولتسألن عما كنتم تعملون ﴾

اشغل نفسك الآن بالعمل بما ينفعك بالدنيا  
والآخره لتحسين الجواب غداً

2827. Аллоҳ таоло: «Албатта, қилиб юрган амалларингиздан сўралурсиз», деган (*Наҳл сураси, 93-оят*).

Охиратда чиройли жавоб бериш учун нафсингизни дунё ва охиратда манфаат берадиган амалга машғул қилинг!



2828. Одамлар наздида ким эканинг муҳим эмас, Аллоҳ ҳузурида ким эканинг муҳим!

Масалан, айрим одамлар Иброҳим алайҳиссалом ҳақида: «(Худоларимизни) айблаб юрадиган Иброҳим деган йигитни эшитгандик», дейишган (*Анбиё сураси, 60-оят*). Аллоҳ эса Иброҳим алайҳиссаломни: «Иброҳим Аллоҳга итоат қилгувчи, ҳақ йўлдан тойилмаган бир пешво-имом эди», деган (*Наҳл сураси, 120-оят*).

Эътибор беринг! Одамлар «қандайдир Иброҳим деган йигит» деб, беписандлик билан гапиришяпти. Аллоҳ эса у зотни «ҳақ йўлдан тойилмаган пешво, имом» деб, юксак баҳоламокда.

كنا نعيش أجمل اللحظات بدون توثيقها  
اليوم نوثق أجمل اللحظات بدون ما نعيشها!



2829. Илгари энг гўзал лаҳзаларни суратга туширмасдик, аммо ўша лаҳзаларнинг лаззатини туюр эдик, ўша лаҳзаларда хаёт бор эди. Бугунги кунда эса, ўша гўзал лаҳзада яшамасак-да, гўзал суратларга туширмоқдамиз!



2830. Шеър:

*Oҳ, менга замонам бўлди бегона,  
Сабримни ҳис қилмай улашиди жабр.*

*Тунни кунга улаб улашиди бало,  
Лек менинг тунимни безади Сабр!!!*

*«Унваанул байаан» китобидан.*

عشت في بداية عمري مع والدي ، وكتت اظن اتنى لا  
استطيع مفارقته ولا العيش من دونه .. فتوقفى والدى ..  
وعشت مع أخيتى .. وظننت اتنى لا استطيع مفارقتهم  
.. فتزوجوا وعاش كل منهم مع أسرته ، وأنا كذلك تزوجت  
وانجبت البنات والبناء وظننت اتنى لا استطيع مفارقتهم  
فترزوجوا وكل منهم كون أسرة وذهب في سبيله فلعلت  
أنه لا يبقى مع الإنسان إلا ربه ، فكل الصّلات قد تقطع  
إلا صلّتك برب العالمين .

- على الطنطاوي -رحمه الله-



2831. Ҳаётимнинг дастлабки даврида отам билан бирга яшадим. Ўша пайтларда отамдан ажralиб қолишимни, усиз яшашимни тасаввур қила олмас эдим. Отам вафот қилдилар... Кейин ака-укаларим билан бирга яшадим. Аммо улардан ҳам ажralмасам керак, деб ўйладим. Улар оиласи бўлишгач, ҳар бири ўз оиласи билан яшай бошлади. Ўзим ҳам оила қурдим, фарзандлар кўрдим. Улардан ажralсам, яшай олмасам керак, деб ўйладим. Улар ҳам оиласи бўлиб, ўз йўлларида давом этишди. Шундан сўнг билдимки, инсон Робби билангина доим бирга қолар экан. Барча ришталар узилар экан, фақат оламларнинг Робби Аллоҳга боғлиқлик қолар экан, холос!

*Али Тантовий роҳимаҳуллоҳ*

”أنا الغلط وأنت الصح“  
قمت عملية شراء راحة البال بنجاح

### 2832. «Мен хато қилдим, сен ҳақсан!»

Мана шу сўз билан тортишув тугаб, ортидан мұваффакиятли осойишталик ва хотиржамлик юзага келади.



2833. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким биродари билан бир йил аразлашиб юрса, унинг қонини тўккан билан баробардир».

*Абу Довуд ривояти*



2834. Ҳакимлардан бири шундай деган экан: «Баъзан кимдир ўзи қилмаган ишни сенга тавсия қилса, бунга таажжуб қилма. Бу бир-бирига зид нарса эмас. У ўзи қила олмаган ишдаги яхшиликни сенга раво кўрмоқда, холос».



2835. Шеър:

Ҳаммада мақсад бор ва ҳамма ўша мақсадига етиш учун интилади.

Озод инсоннинг мақсади эса юксакликка етиш, у фақат шуни мақсад қиласди.

«Унваанул байаан» китобидан.



2836. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

*Муаллим ва табибнинг  
Хурматин билмасанг гар,  
Нима деймиз, шу бир гап –  
Икки дунё таъзирлан:*

*Табибни хор қилсанг сен,  
Рози бўл беморликка,  
Устозни хор айласанг,  
Жоҳилликка ҳозирлан!*



2837. Севган кишинг ҳаёт билан видолашиб, унинг қабрига бир сиқим тупроқ сочгач, дунёниг арзимас нарса эканини, унда ҳеч ким боқий эмаслигини тушуниб етасан. Умримизни қисқартириб бораётган кунларнинг асло қайтмаслигини жуда яхши биламиз. Шундай экан, ўзинг учун Қуръондан кундалик вирдларни (вазифаларни) одат қилгин ва уларни қандай қилиб бўлса ҳам асло тарк қилма. Ҳар куни, ҳар дам тасбех, истиғфор, таҳлил («Лаа илааҳа иллаллоҳ») айтиш билан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш билан машғул бўл.

Унутма: жаннатийлар ҳеч бир иш учун Аллоҳни зикр қилмаган пайтларига ачинганидек надомат чекишмайди.

*Али Тантовий роҳимаҳуллоҳ*



إِنَّ اللَّهَ قَدْ يَقْبُلُ نَصْفَ الْجَهَدِ فِي سَبِيلِهِ وَ  
لَكُنَّهُ لَا يَقْبُلُ نَصْفَ النِّيَةِ ، إِمَّا أَنْ يَخْلُصَ  
الْقَلْبُ كَلَهُ لَهُ ، وَإِمَّا أَنْ يَرْفَضَهُ كَلَهُ .



2838. Аллоҳ таоло Ўзининг розилиги йўлидаги чала-яrim амални ҳам қабул қиласверади, лекин чала-яrim ниятни қабул

қилмайди. Шундай экан, қалбингни У Зотга батамом холис қил ёки тўлиқ рад қил!

*Муҳаммад Газзолий*



2839. Инсон унинг бошига тушган муаммодан эмас, балки ўша муаммо ҳақида қўп ўйлайверганидан тушкунлик ва умидсизликка тушиб қолади.



2840. Сенинг айбингни яширмайдиган, сени ғийбат қилишганда бундан қайтармайдиган кишининг дўстлигида яхшилик йўқ.

Фазилат – либос билан безанишда эмас, тўғрилик билан зийнатланишдадир.

*«Унваанул байаан» китобидан.*



2841. Эҳтимол, зулм қилиш орқали ўзинг истаган нарсани қўлга киритарсан. Лекин, битта мазлумнинг дуоси билан барча эга бўлган нарсангни қўлдан бой берасан!

*Ўзингча зулминг-ла киритдинг қўлга  
Барча истакларинг, зўр савлатингдан.  
Вале бир мазлумнинг дуоси билан  
Ранжисма, айрилсанг бор давлатингдан!*




2842. Шуъайб алайхиссалом қавмларига: «Роббингизга истиғфор айтинглар», дедилар (*Худ сураси, 90-оят*).

Худ алайҳиссалом ҳам «Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг», дедилар (*Худ сураси, 52-оят*).

Нуҳ алайҳиссалом ҳам «Роббингизга истиғфор айтинг, албатта У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчиdir», дедилар (*Нуҳ сураси, 10-оят*).

Аллоҳ яратган барча махлуқотлар ичидаги Зотни энг яхши танийдиган зотлар – пайғамбарлар дардларингга давони тавсия қилишмоқда!



2843. Кўзни (номаҳрамларга) қаратишчалик бандага заарли нарса йўқ, чунки бунинг оқибатида банда билан Робби орасида ғашлик юзага келади.



2844. Агар, сенга нисбатан ҳасад қилувчилар кўпайса,  
билиб қўй! Сен ютуққа эришувчи кимсалардан экансан!

*Ҳасадчилар ҳаддан кўпайиб кетди,  
Бобо, қўрқитяпти мени бу шовқин...  
Болам, ҳасадчилар қанча кўпайса,  
Демак, сен ютуққа шунчалар яқин!*



2845. Интиқомга шошилиш шошилиш пасткашларга хос хусусиятдир. Энг яхши дўст – замон турли рангга кириб, ўзгариб турса ҳам доим бир хил рангда турадиган, ўзгармайдиган дўстдир. Фойда берадиган кумуш танга қулатадиган тилло тангадан яхшидир.

*«Унваанул байаан» китобидан.*

تخيل أن رجلا انتقل من الدنيا إلى الآخرة ثم يرسل لك وصية بعد أن انتقل عن الدنيا؟ فكيف ستكون أهمية وصيتك؟  
قال رسول الله صلى الله عليه وسلم لقيت إبراهيم ليلة أسرى بي، فقال: يا محمد، أقرني أمتك مني السلام، وأخبرهم أن الجنة طيبة التربية، عذبة الماء، وأنها قيungan، وأن غراسها: سبحان الله، والحمد لله، ولا إله إلا الله، والله أكبر.  
فإبراهيم عليه السلام الآن يتحدث عن الجنة حديث من غادر الدنيا .. ويخبر أن الجنة أرضها طيبة مباركة.. ونباهها عذبة حلوة... وأن الله خلق فيها مساحات مستوية لا نبات فيها، فهي قيungan، لكي يغرس المؤمن فيها أشجاره يقوله (سبحان الله، والحمد لله، ولا إله إلا الله، والله أكبر)..  
وتخيل أنك تدل صديقاً على قضل سبحان الله، والحمد لله، ولا إله إلا الله، والله أكبر.. فكلما قالها هذا الصديق ، غُرست له ولد شجرة في الجنة، كما في صحيح مسلم (من دل على خير قله مثل أجر قاعده).  
فربما كنت تائناً أو تتناول طعامك أو منهكماً في عمل ..  
والله يغرس لك في الجنة بسبب أقوام دلت بهم فنقطنا للذكر..

## 2846. Бир ўйлаб кўринг!

Бир киши дорулфандан дорулбақога риҳлат қилиб, дунёдан охиратга етиб боргач, у ердан бизга васият юборса, бу васият нақадар муҳим бўлишини биласизми?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:  
**«Исро кечаси Иброҳим алайҳиссаломга йўлиқдим. У зот: «Эй Муҳаммад! Мендан умматингга салом айт. Уларга айтгинки, жаннатнинг тупроғи покиза, суви чучук, ерлари текис экан, экинлари эса «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ, ва лаа илааҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар» экан», дедилар.**

Иброҳим алайҳиссалом бизга жаннат ҳақида хабар бермоқдалар. Аммо булар – бу дунёдан ўтган одамнинг сўзларидир. У зот жаннатнинг ери покизи ва муборак, сувлари чучук ва ёқимли, ери эса теп-текис эканини

айтяптилар. Нега теп-текис? Чунки мўмин одам у ерга «Субҳаналлоҳ, валҳамдуиллаҳ, ва лаа илааха иллаллоҳ, валлоҳу акбар», дейиш билан экин экиши мумкин экан!

Бир ўйлаб кўринг!

Сиз ҳам дўстларингизга «Субҳаналлоҳ, валҳамдуиллаҳ, ва лаа илааха иллаллоҳ, валлоҳу акбар» лафзининг фазилатларини етказиб, уларни кўп айтишга тарғиб қилсангиз-у, улар ҳар гал бу лафзларни айтганда уларга ҳам, сизга ҳам жаннатда бир дараҳт экилса!

«Саҳиҳи Муслим»да: «Яхшиликка йўллаган одамга ўша яхшиликни қилган одамнинг савобидек ажр ёзилади», дейилган.

Ухлаётган, овқат еяётган ёки ишлаб ўтирган бўлсангиз-у, кимларнидир яхшиликка йўллаб қўйганингиз учун Аллоҳ жаннатда сиз учун бир дараҳт экиб турса қандай яхши!

Зикрлар борасида ҳушёр бўлайлик!



د أحمد عيسى المعصراوي

صفحتين من القرآن فيها ما يقارب ألف  
ومائتي حرف والحرف بعشر حسنت  
تأخذ منك أربع دقائق فقط كم من  
الساعات ذهبت هباءً منثوراً لاتجعلوه  
مهجوراً.

2847. Куръоннинг икки сахифасида тахминан 1200 та ҳарф бор. Ҳар бир ҳарфга ўн баробар савоб берилади. Уларни ўқишига тўрт дақиқа вақting кетади, холос. Қанчадан-қанча вақtingни тўзондек сочиб юрибсан. Яна Куръондан узоқлашганлар қаторида бўлиб қолмагин!



2848. «Ким Аллоҳдан қўрқса (яъни тақво қилса), У Зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўл (пайдо) қилур» (*Талоқ сураси, 2-оят*).



2849. Австралиялик бир сураткаш денгиз тўлқинларини худди тоғдек бўлиб турганда суратга тушириди. Бу суратни кўрганда хаёлга дарҳол ушбу оят келади:

**«(Кема) уларни тоғлардек тўлқинлар орасида олиб кетаётганида.....»** (*Худ сураси, 42-оят*).

Субҳаналлох!!!



2850. Донишманд дейди: «Ёлғончилик дард, ростгүйлик эса даводир. Ёлғончилик хорлик, ростгүйлик эса азизлиkdir».

*Ёлғон омонликтек туулар ҳарчанд,  
Вале ташлаб кетар сүнги йүқ дардга,  
Ростликка ўргансанг, бошингда турган  
Қилич ҳам кесмайди, айланар мардга!*

«Унваанул байаан» китобидан.

**أجمل رحلة**

﴿ وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفَتَحْتَ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَرَنَتْهَا سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبَّتْمُ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴾

جعلني الله وإياكم من أصحاب هذه  
الرحلة

2851. Энг гўзал саёхат.

**«Роббларига тақво қилганлар жаннатга гурух-гурух қилиб олиб борилдилар. Етиб келганларида унинг**

дарвозалари очилди, қўриқчилар уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Киинглар, энди бунда абадий қоласизлар», дедилар» (*Зумар сураси, 73-оят*).

Аллоҳ сизу бизни ана шундай саёҳатчилардан қилсин!


### الصَّلَاةُ

مَحْلِبَةُ الرِّزْقِ، حَافِظَةُ الصِّحَّةِ، دَافِعَةُ الْأَذَى، مَطْرِدَةُ  
لِلْأَذَوَاءِ، مُقَوِّيَّةُ الْقَلْبِ، مُبَيِّضَةُ الْوَجْهِ، مُفْرَحَةُ النَّفْسِ  
مُذْهِيَّةُ الْكَسْلِ، مُنْشَطَةُ الْجَوَارِحِ، مُمْدَّةُ الْقُوَى  
شَارِحةُ الصَّدَرِ، مُغْذِيَّةُ الرُّوحِ، مُتَوَرَّةُ الْقَلْبِ، حَافِظَةُ النِّعَمَةِ  
دَافِعَةُ النِّقْمَةِ، جَائِيَّةُ الْبَرَكَةِ، مُبَعِّدَةُ مِنَ الشَّيْطَانِ  
مُقْرِبَةُ مِنَ الرَّحْمَنِ

ابن القيم

### 2852. Намоз нима?

Намоз – ризқни кўпайтирадиган, соғликни сақлайдиган, азиятни кўтарадиган, дардни аритадиган, қалбни кучайтирадиган, юзни ёруғ қиласидиган, рухга шодлик улашадиган, дангасаликка барҳам берадиган, бадани тетиклаштирадиган, куч бағишлайдиган, қалбни очадиган, рухни қувватлайдиган, қалбни нурга тўлдирадиган, неъматни мухофаза қиласидиган, адоватни йўқотадиган, барака келтирадиган, шайтондан узоклаштирадиган, Раҳмонга яқинлаштирадиган амалdir!



2853. Аллоҳим! Сендан умидвор бўлмаган қалдан, амалсиз илмдан ва хижолат чекмайдиган юздан Ўзинг асрар!



2854. Фарзандларимизга мактабда яхши ўқишни ўргатамиз. Лекин илм олишга муҳаббатни ўргатишни унтиб қўямиз.



2855. Ибн Саммок шундай дедилар:

«Ёлғонни тарк қилганим учун ўзимни савоб топган деб хисобламайман, чунки мен ёлғондан нафратланганим учун уни тарк қиляпман».

Яна шундай дедилар: «Ёлғон факатгина хорлик келтирған тақдирда ҳам, унинг разолат эканига кифоя қилади. Нега энди кифоя қилмасин, ахир ҳар бир ёлғонда гуноҳ бор».

*«Унваанул байаан» китобидан.*

**من كتاب الأذكار للنبوة**

Имом Нававийнинг ал-Азкор китобидан

**Сафар ниятида уйдан чиқишини  
хоҳлагандаги зикрлар**

**257**

**باب أذكاره عند إرادته الخروج من بيته**

اللهم بك أسعين وعليك أتوكل، اللهم ذلل لي صعوبة أمرى، وسأليل على  
 منشأ سفري، وازرائي من الخطر أكثر مما أطلب، واصطاف عنى بكل شر  
 رب اشرح لي صدرى، ويسير لي أمرى، اللهم آتى أستحضرتك وأستودعك  
 نفسي ودنيي وأهلى وأقاربي وكل ما أتعنت علني وعليلهم به من آحرة وذلة.  
 فاخفظنا أخمعين من كل شوء ياكريم

**www.arabic.uz**

2856. Сафар ниятида уйдан чиқаётгандаги зикрлар:

Сафарга отланиб, уйдан чиқишида икки ракъат намоз ўқиб олиш мустаҳабдир.

Мутъим ибн Миқдом Санъоний розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафарга чиқмоқчи бўлган одам оиласига икки ракъат намоздан яхшироқ нарса қолдира олмайди»**, дедилар».

### *Табароний ривояти*

Ушбу намознинг биринчи ракъатида Фотиҳадан кейин «Кафирун» сурасини, иккинчи ракъатида «Ихлос» сурасини ўқиш мустаҳаб, дейишган.

Баъзилар биринчи ракъатда «Фалақ»ни, иккинчи ракъатда «Ан-Наас», дейишган. Салом бериб, намозни тугатгач, «Оятул курси» ўқилади.

Баъзи ривоятларда «Йўлга чиқишидан олдин «Оятул курси»ни ўқиган одамга қайтиб келгунича ўзи ёмон кўрган нарса етмайди», дейилган.

Баъзилар «Ли ийлаафи Куройш» сурасини ўқиш ҳам мустаҳаб, дейишган.

Абуль Ҳасан ал-Қазвиний: «Бу сура ҳар қандай ёмонликдан сақлайди», деганлар.

Абу Тоҳир Жаҳшавийҳ айтадилар: «Сафар қилмоқчи бўлдим, лекин хавфда эдим. Қазвиний ҳазратларининг ҳузурига кириб, дуо сўрадим. Шунда у зот сўзларининг бошидаёқ: «Кимки сафар қилмоқчи бўлса-ю, душмандан ёки ваҳший ҳайвонлардан қўрқса, «Ли ийлаафи Куройш»ни ўқисин, чунки у ҳар қандай ёмонликдан сақлайди», дедилар. Мен доим ўша сурани ўқидим, ҳозиргacha ҳеч бир ёмонликка дучор бўлмадим».

Бу сураларни ўқиб бўлгач, ихлос ва тазарруъ ила қуйидаги дуони ҳам ўқиш керак: **«Аллоҳумма! Бика астъийну ва ъалайка атаваккалу! Аллоҳумма! Заллил лий суъувбата амрий ва саххил ъалайя машаққата сафарий, варзуқний**

**минал хойри аксаро миммаа атлубу, васриф ъаний қулла шарр. Роббишроҳ лий содрий, ва йассир лий амрий. Аллоҳумма! Инний астаҳфизука ва аставдиъука нафсий ва дийний, ва аҳлий ва ақорибий, ва қулла маа анъамта ъалайя ва алайҳим биҳии мин аахиротин ва дунйаа, фаҳфазнаа ажмаъийна мин қулли сувъин, йаа Кариим!» («Аллоҳум! Сендан ёрдам сўрайман, Ўзингга таваккул қиламан. Аллоҳум! Қийинчиликларимни енгил қил, сафар мاشаққатини осон қил! Сўраганимдан зиёда яхшилик насиб қилгин, мендан ҳар қандай ёмонликни кетказгин. Роббим, қалбимни очгин, ишиимни осон қилгин! Аллоҳум! Ўзимни ҳам, динимни ҳам, аҳлимни ҳам, қариндошларимни ҳам, менга-ю уларга дунё ва охиратда неъмат қилиб берган ҳар бир нарсангни Ўзингга омонат топширдм. Ё Карим, барчамизни барча ёмонликлардан Ўзинг асрагин»)**



2857. Солиҳлардан бири шундай деган экан:

Истиғфордан бошқа озуқа ҳам, даво ҳам топмадим. Кечалари бедор бўлиб, истиғфор айтсам, шайтон: «Уйғонса нуқул истиғфор айтар экан, уни ухлатишга ҳаракат қилайин», дер эди.



2858. Ижтимоий тармоқларга сурат қўйишга одатланиб қолган дўстлар! Оилангиз, фарзандларингиз, фаровон ҳаётингиз акс этган суратларни қўйишни бас қилинг! Ҳавас қилувчи кўзлардан кўра ҳасадчи кўзлар кўплигини, қойил қолувчи кўзлардан кўра яхши кунингни кўра олмайдиганлар кўплигини унутманг!

Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламга ҳам кўз теккан. У зот бизларни кўз тегишидан огоҳлантирганлар.

Мабодо кўз тегишидан қўрқмасангиз ҳам, бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ҳисобга олинг, илтимос!

Кўрдик! Сен бошқалар эга бўлмаган нарсага эга экансан. Каттакон, чиройли ҳовлинг бор экан, бошқаларда бундай уй йўқ экан. Оиланг билан тинч-тотув экансан, бошқаларда фақат уруш-жанжал экан!

Буларни ҳаммага кўз-кўз қиласерма!

Фарзандларинг бор экан, бошқалар тирноққа зор.

Анвойи таомлар еб суратга тушибсан, кимлардир бир бурда нонга зор.

Яхиси, Аллоҳга ҳамд айт, неъматларига шукр қилиб, ўзингният оиласиги ёмон кўздан асра!



2859. Отасига оқ бўлган баъзи кимсалар отасини дўппослаб, уни бир маконга судраб кетаётганида, отаси: «Бўлди қил, тўхтат! Мен ҳам отамни шу ергача судраб келганман холос», деб айтган экан.

Оқпадар судради отасин чўлга,  
Бу ҳолдан увиллаб йиғларди олам.  
Ота дер: «Бас қилгин, мен ҳам отамни  
Шу ергача судраб келгандим, болам!»



2860. Шаъбий шундай деган экан:

«Ростгўйлик сенга зарар етказишини билиб турсанг ҳам рост гапир. (Негаки, зарар бўлиб кўринса ҳам) ростлик барибир сенга фойда келтиради. Сенга нафи тегишини билиб турсанг ҳам ёлғон гапирма, чунки (манфаатли бўлиб туюлаётган) ёлғон барибир сенга зарар келтиради».

«Унваанул байаан» китобидан.



2861. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар қилмоқчи бўлиб, ўринларидан турсалар, «**Аллоҳумма! Илайка таважжаҳту ва бика иътасомту. Аллоҳумма! Икфиний маа ҳамманий ва маа лаа аҳтамму лаҳ. Аллоҳумма! Заввидний тақваа вағfirлий занбий ва важжиҳний лил хойри айнамаа таважжаҳту**» («*Аллоҳум! Сенга юзланиб, Сенга илтижо қиласман. Аллоҳум! Мени ташвишга соган, лекин мен аҳамият бермаган нарсага Ўзинг кифоя қилгин! Аллоҳум! Менга тақвони ҳамроҳ қилгин, гуноҳларимни кечиргин, қаёққа юзлансан ҳам яшиликка юзлантиргин*») дер эдилар.

*Табароний ривояти.*

**الكلام من اختصاص  
المعرفة ، أما الاستماع  
 فهو امتياز الحكمة .**

الحكمة والعلم

2862. Сўз маърифатнинг хусусиятидир. Тинглаш эса ҳикматнинг имтиёзидир.



ثلاث أودية في جهنم :  
 وادي الغي : جامع الصلوات.  
 وادي الويل : مؤخر الصلوات.  
 وادي سقر : تارك الصلاة.

- فأسقط من غفلتك !

2863. Жаҳаннамда учта водий бор:

1. Ғойй водийси. Унга намозни қазо қилишга одатланиб, ҳаммасини кечқурун бир қилиб ўқийдиганлар тушади.
2. Вайл водийси. Унга намозларни кечиктирадиганлар тушади.
3. Сақар водийси. Унга намозни тарк қилганлар тушади.  
 Faflat уйқусидан уйғон, дўстим!



2864. Бир киши хотинини талоқ қилмоқчи бўлди. Унга: «Бу хотиндан нима ёмонлик кўргансан?» дейишиди. У: «Ақли одам хотинининг сирини очмайди», деди. Хотини билан ажрашгач, унга: «Энди нима учун талоқ қилганингни айт» дейишиди. У: «Энди у мен учун бегонага айланди. Бегона аёл хақида нима ҳам дея олардим?» деб жавоб берди.



2865. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу шундай деганлар: «Аллоҳ таоло тилни шу қадар мустаҳкам қўрғон билан ўрадики, бошқа бирорта аъзо бунчалик мустаҳкам муҳофаза қилинмаган. Тилнинг олдида ўттиз иккита тиш саф тортган, тишларнинг ортидан иккита лаб ёпилган, ичкарида тилнинг

усти кичик тилча билан қопланган, ундан ичкарида эса қалб туради. Шундай экан, Аллоҳдан қўрққин, бу маҳбусни қочириб юборма. Тилнинг оғатидан сақлана олишингга ишонч ҳосил қилсанггина уни эркин қўйишинг мумкин».

«Унваанул байаан» китобидан.



2866. Сафарга отланган одам оиласи, қариндошлари, дўстлари ва қўшнилари билан хайрлашгач, улардан ҳаққига дуо қилишларини сўраши, ўзи ҳам уларни дуо қилиши яхши амалдир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга бирор нарса омонат топширилса, У Зот уни сақлаб беради», дедилар.**

*Aҳмад ибн Ҳанбал ривояти*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки сафар қилмоқчи бўлса, орқасида қолаётганларга «Аставдиъукумуллоҳалзай лаа тазийъу вадоиъуху» («Сизларни омонатни зое қилмайдиган Аллоҳга топширдим») десин», деганлар.

## Ибн Сунний ва бошқалар ривояти.



د أحمد عيسى المعصراوي

مقدار ابعادك عن القرآن هو مقدار  
اقرابة الشيطان منك !!

«وَمَن يَعْشُ عَن ذِكْرِ الرَّحْمَنِ نُقِيَضْ لَهُ  
شَيْطَانًا فَهُوَ لَهُ قَرِيبٌ»

2867. Куръондан қанча узоклашсанг, шайтонга шунча яқинлашасан.

**«Ким Роҳманнинг эслатмасидан ўзини кўрликка солиб, юз ўгирса, унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, у унга ҳамроҳ бўлур» (Зухруф сураси, 36-оят).**



2868. Бомдод намозини ўқимаган кунинг куни билан босинқираб юрганга ўхшайсан. Куёш чиқишидан олдинги ўқилган икки ракъат бомдод намозида шу қадар майин

шабада борки, унинг васфига тил ожиз. Субҳидамдаги бу тароватли онларда Аллоҳни кўп зикр қиласиганларнинг қалбидаги умид қуёшлари порляяжак.

خرج أحد الملوك يتنته فلاحا يحرث الأرض وهو  
مسرور في نشاط وابتهاج  
فقال الملك وقال له : أيها الرجل أراك مسرورا بعملك في  
هذه الأرض فهل هي أرضك ؟  
فقال الفلاح : لا يا سيدى إنني أعمل فيها بالأجرة  
قال الملك : وكم تأخذ من الأجر على هذا التعب ؟  
قال الفلاح : أربعة قروش كل يوم .  
قال الملك : وهل تكفيك .  
قال الفلاح : نعم تكفييني وتزيد ، قرش أصرفه على عيشي  
وقرش أسدد به ديني ، وقرش اسلفه لغيري ، وقرش أنفقه  
في سبيل الله .  
قال الملك : هذا لغز لا أفهمه .  
قال الفلاح : أنا أشرح لك يا سيدى :  
أما القرش الذي أصرفه على عيشي فهو قرش أعيش منه أنا  
وزوجتي ،  
وأما القرش الذي أسدد به ديني فهو قرش أنفقه على أبي  
وامي  
فقد ربياني صغيرا وأنفقنا علينا وأنا محتاج وهمما الأن كبيران  
لا يقدران على العمل .  
واما القرش الذي اسلفه لغيري فهو قرش أنفقه على أولادي  
أرببيهم وأطعمتهم وأكسوهم حتى إذا كبروا فهم يردون علينا  
السلف حين نكبر ،  
اما القرش الذي أنفقه في سبيل الله فهو قرش أنفقه على  
أختيين مريضتين  
...  
فقال الملك : أحسنت يا رجل وترك له مبلغ من المال وتركه  
وهو متعجب من حكمة رجل بسيط .

2869. Бир подшоҳ сайр қилгани чиқиб, ер ҳайдаётган дехқонни кўриб колди. Дехқон шод-хуррамликда меҳнат қиласиди. Подшоҳ ундан: «Мунча хурсандсан? Ер ўзингникими дейман?» деб сўради. Дехқон: «Йўқ, таксир, ижарага олганман», деди. Подшоҳ: «Меҳнатингга қанча ҳақ оласан?» деди. «Куни тўрт танга», деди дехқон. Подшоҳ: «Шу пул сенга етадими?» деди. Дехқон: «Ҳа, етади. Ортиб ҳам қолади. Бир тангани ўзимга ишлатаман, бир тангани қарзимни узишга бераман, бир тангани қарзга бераман, бир чақани Аллоҳ йўлида сарфлайман», деди. «Бўлиши мумкин

эмас, қандай қилиб?», сўради подшоҳ. Дехқон шундай деди: «Ҳозир тушунтириб бераман. Ўзимга деганимни ўзим билан хотинимга сарфлайман. Қарзимни узишга деганимни ота-онамга сарфлайман, чунки ота-онам мени боқиб катта қилди, таълим-тарбия берди, менга пул сарфлади. Ҳозир эса кексайиб, ишга ярамай қолиши. Ана шу қарзимни узяпман. Қарзга бераман деганимни фарзандларимга сарфлайман. Уларни едираман, ичираман, тарбиялайман. Худо хоҳласа, катта бўлиб, ўша қарзни қайтаришади. Аллоҳ йўлида сарфлайдиганим эса икки bemor синглимга ишлатадиган пулим эди».

Подшоҳ дехқоннинг бу сўзларига қойил қолиб, унга бир дунё мол-дунё ҳадя қилди.



2870. Адилардан бири: «Ўзинг маҳбуслик бўлиб қолмасингдан тилингни ҳибс қилиб қўй», деган экан.

Яна бир шундай дебди: «Ким сирини яширса, ўша сир уни хурсанд қиласи ва одамларни ўша сирининг ёмонлигидан (яъни сири очилиши оқибатида пайдо бўладиган ёмонликдан) сақлаган бўлади. Кимнинг тили ўзига ҳоким бўлса, уни шарманда қиласи, шаънини булғайди. Нотинчлик келтирадиган гапдан пушаймон келтирадиган сукуи яхши».

*«Унваанул байаан» китобидан.*



2871. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз сафар қилмоқчи бўлса, биродарлари билан хайрлашсин, чунки Аллоҳ уларнинг (бир-бирлари ҳаққилариға қиласиган) дуоларида яхшилик қилувчиидир», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти*

Қазъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Ёнимга кел, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан хайрлашганлариdek, мен ҳам сен билан хайрлашаман» деди ва «**Аставдиъуллоҳа дийнак, ва амаанатак, ва хавотима ъамалик**» («Дининг, омонатинг ва амалингнинг хотимасини Аллоҳга топширдим») деб дуо қилди (*бу дуони муқим киши мусофирга айтади*).

*Абу Довуд ривояти.*

Бу ерда аввало диннинг зикр қилинишига сабаб шуки, сафар маشاққатлари туфайли бандадан баъзан дин ишларини ҳам тарқ қилиб қўйиши мумкин.

Имом Хаттобий: «Бу ердаги омонат – ишончли кишига қолдириб кетилган аҳл ва молдир», деганлар.

Нофеъ розияллоҳу анҳунинг Ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида шундай дейилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши билан хайрлашсалар, унинг қўлинини ушлаб турардилар ва у ўзи қўйиб юбормагунича қўйиб юбормасдилар, **«Аставдиъуллоҳа дийнак, ва амаанатак, ва аахиро ъамалик»**, дер эдилар».

*Имом Термизий ривояти*

Солим розияллоҳу анҳу қилган ривоятда эса «Ибн Умар розияллоҳу анҳу бирор киши сафар қилмоқчи бўлса, унга: «Кел, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хайрлашганлариdek сен билан хайрлашаман» деб, юқоридаги дуони ўқирдилар» дейилган.

## Имом Термизий ривояти

Абдуллоҳ ибн Язид ал-Хатмий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аскарлар билан хайрлашмоқчи бўлсалар, «Аставдиъуллоҳа дийнакум, ва амаанатикум, ва хавотима аъмааликум», дер эдилар.

## Абу Довуд ривояти



د أحمد عيسى المعصراوي

جمال القرآن  
 الذين يعيشون مع القرآن تلاوة وحفظا  
 ينفردون بخاصية رائعة ، فهم كلما  
 استماليتهم الدنيا جذبهم القرآن إليه بلطف  
 فعادوا تائبين

2872. Қуръонни тиловат қилиб, ёд олаётганлар ажойиб хусусиятлари билан ажралиб турадилар. Дунё уларни ўзига оғдиришга уринса, Қуръон уларни лутф ила ўзига тортади ва улар тавба қилган ҳолда яна Қуръонга қайтадилар.



2873. Охиратга машғул бўлган зотларнинг адоват, нафрат ва кўнгилхушликка вақтлари йўқ!

**«Албатта, қиёмат келгусидир. Бас, сен (дунёдан) гўзал шаклда юз ўгир» (*Хижр сураси, 85-оят*)**



2874. Аёлларни хорлашни яхши кўрадиган кишини кўрсанг, аниқ билгинки, у эркаклардан қўрқади.

Аёлларни қадрлайдиган кишини кўрсанг, билгинки, ундан эркаклар ҳам ҳайиқиб турди.

*Аёлни хўрловчи кишини кўрсанг,  
Билки, эркаклардан қўрқади ёмон.  
Аёлни эҳтиром айлар инсондан  
Жуда кўп эркаклар қўрқар бегумон.*



## 2875. Луқмон Ҳаким ўғлига деди:

«Ўғлим! Ёлғондан сақлан! Ёлғон динингни бузади, одамлар олдида муруватингни йўққа чиқаради, мартабангни тушириб, обрўингни зое қиласи. Натижада гапирсанг эшитишмайди, сўзингни тасдиқлашмайди. Бу аҳволда ҳаётда сен учун бирор яхшилик қолмайди. Бу аҳволингдан огоҳ бўлиб қолишса, энди тўғри гапирсанг ҳам ёлғончига чиқаришади, шаънингни ерга уришади, сен билан ўтиргилари келмай қолади, сирларини сендан махфий тутишади, сени кўрган заҳоти сўздан тўхташади, гап-сўзларини яширишади, дин ишларида сендан эҳтиёт бўлишади, шахсий ҳолатлари билан боғлиқ ишларда сенга ишонишмайди. Бу дунёда одамлар олдида шунчалик аҳволга тушсанг, охиратда Аллоҳ таолонинг азоб-уқубати бундан ҳам бўлади».

«Унваанул байаан» китобидан.



2876. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Сафар қилмоқчиман, менга сафарга етарли нарса беринг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ сенга тақво берсин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гуноҳингни кечирсин», дедилар. Ҳалиги киши: «Яна» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қаерда бўлсанг ҳам, сени яхшиликка мұяссар қилсин», дедилар.


*Имом Термизий ривояти.*



2877. Сўнгги пайтларда одамларнинг кўл телефонига муккасидан кетиб қолаётганларини кўряпсизми? Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, намоздан олдин ҳам, намоздан кейин ҳам, уйқудан олдин ҳам, уйқудан кейин ҳам қўлларида телефон!


Солих салафларимиз ҳам худди шундай машғул бўлишган, фақат Қуръон билан!

Фикр юритишга арзийдиган сўзлар...



2878. Айюб алайхиссаломдан: «Сиз дучор бўлган энг шиддатли бало қайси?» деб сўрашди. У зот: «Ғанимларнинг шодлиги!» дедилар.

Аллоҳим! Ғанимларнинг шодлигидан паноҳ бергин!



في دراسة علمية جديدة قيل للباحثين أن وضع الشعر الاصطناعي بهدف تطويل الشعر يؤدي بصفات الشعر ويؤدي إلى تناقضه وتؤخذ الأبحاث العلمية أن حساغة الشعر أو وضع المثبتات عليه أو ما يسمى بالجلي، وكل ذلك يؤدي الشعر ويسرع في تناقضه، وذلك يحد الأطباء اليوم من خطورة ظاهرة وصل الشعر ... وسبحان الله لقد سبق النبي الأعظم إلى التحذير من ذلك قيل أربعة عشر قرناً فقد رُوي عن اسماء رضي الله عنها أنها قالت، (عن النبي صلى الله عليه وسلم والواصلة والمستوصلة) لرواد البخاري ومسلم، والواصلة هي المرأة التي تقوم بوصول الشعر بشر اصطناعي أو طبقي، والمستوصلة هي من يتم وصل الشعر لها ... وأمام هذه الحقيقة العلمية التي أخبر عنها سيدنا محمد صلى الله عليه وسلم لا تملك إلا أن تقول سبحان الله

[www.kaheer17.com](http://www.kaheer17.com)

2879. Сўнгги илмий тадқиқотларга кўра, сочни сунъий узайтириш учун ясама соч экиш сочнинг илдизига зарар бериб, унинг янада тўкилишига олиб келар экан. Тадқиқот

натижаларига кўра, сочни бўёқ билан бўяш, сунъий моддалар ёки гель суртишларнинг барчаси сочга озор бериб, уни тўкилишини тезлатади. Шунинг учун шифокорлар соч улашда хатар борлигидан огоҳлантиришади.

**Субҳаналлоҳ!** Набийимиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўн тўрт аср муқаддам ҳаммамизни бундан огоҳ этган эканлар.

*Асмо розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам соч уловчи аёлни ҳам, соч улатувчи аёлни ҳам лаънатлаганлар».

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*

Сайидимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам хабар берган ушбу илмий ҳақиқат олдида «Субҳаналлоҳ!» дейишдан бошқа чорамиз йўқ!



2880. Луқмони Ҳаким ўғлига шундай деди: «Болагинам! Шундай сўзлар борки, тошдан қаттиқ, игнадан ўткир, сабирдан\* аччиқ, чўғдан иссиқдир».

*«Унваанул байаан» китобидан.*

\* Сабир - аloe ўсимлиги.



2881. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
 «Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сафар қилмоқчиман. Менга насиҳат қилинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳдан тақво қилгин, баландликка кўтарилишда такбир айтгин**», дедилар. Ҳалиги одам қайтиб кетгач, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳумма, итви лаҳул баъийда ва ҳаввин ўлайҳис-сафаро**» («Аллоҳум, узогини яқин қил, сафарини енгил қил») дедилар.

*И мом Термизий ва Ибн Можса ривояти.*




د أحمد عيسى المعصراوي

(وما كان ربك ليهلك القرى بظلم وأهلها  
 مصلحون)

قال (مصلحون) ولم يقل (صالحون)  
 - نحن بحاجة شديدة إلى المصلحين في  
 مجتمعنا، وليس الصالحين فقط.

2882. «Роббинг аҳли ислоҳчи бўлган шаҳарларни зулм ила ҳалок қилмас эди» (*Худ сураси, 117-оят*).

Аллоҳ бу оятда «солиҳ кишилар» демай, «ислоҳчилар» демоқда. Жамиятимиз нафақат солиҳ зотларга, балки ислоҳчиларга ҳам муҳтождир!



2883. Али ибн Абу Талибдан: «Эй мўминларнинг амири! Қавмнинг ишини нима бузади?» деб сўрашди. У зот: «Уч нарсанинг ўрнига уч нарса қўйилганда: каттанинг ўрнига кичик қўйилганда, олимнинг ўрнига жоҳил қўйилганда, бошқарувчининг ўрнига эргашиши лозим бўлган киши қўйилганда», дедилар.



2884. Қуръони каримда жаннатнинг ўнта номи айтилган:

1. Жаннатул хулд, яъни мангулик жаннати:

**«Бу яхшими ёки тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган мангулик жаннати яхшими? (Жаннат) улар учун мукофотдир, қайтиш жойидир» (Фурқон сураси, 15-оят)**

2. Мақомул амин, яъни омонлик жойи;

**«Тақводорлар омонлик жойидадир. Улар боғ-роғлар ва булоқларда бўлурлар» (Духон сураси, 51, 52-оят).**

3. Фирдавс:

**«Иймон келтирган ва яхши амал қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлган» (Каҳф сураси, 107-оят).**

4. Равза:

**«Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар равзада шодланурлар» (Рум сураси, 15-оят).**

5. Жаннату адн:

**«Адн жаннати. Унга кирганларида тагидан анҳорлар оқиб туур, у ерда улар учун истаган нарсалари мұхайёдир. Аллоҳ тақвадорларни ана шундай мукофотлар» (*Наҳл сураси, 31-оят*).**

6. Дорус-Салом;

**«Уларга Робблари ҳузурида дорус-Салом (тинчлик диёри) бордир. У Зот қилған ишлари учун уларнинг дўсти бўлур» (*Анъом сураси, 127-оят*).**

7. Жаннатул маъво:

**«Ҳа, иймон келтириб, яхши амал қилғанларга қилиб ўтган амаллари учун жаннатул маъво манзилдир» (*Сажда сураси, 19-оят*).**

8. Жаннату наъим:

**«Уларнинг ҳар бири жаннату наъимга киритилишни тамаъ қиласдими?» (*Маъориж сураси, 38-оят*).**

9. Дорул муттақийн, яъни тақвадорлар диёри:

**«Тақвадор зотларга: «Роббингиз (Пайғамбариға) нимани нозил қилди?» дейилганида улар: «Яхшиликни» дерлар. Чиройли амал қилған зотлар учун бу дунёда ҳам чиройли мукофотлар бўлур. Лекин шак-шубҳа йўқки, охират диёрни янада яхшироқдир. Тақвадор зотларнинг турар жойлари нақадар яхши!» (*Наҳл сураси, 30-оят*).**

10. Дорул муқома, яъни истиқомат диёри:

**«У Зот бизни Ўз фазли ила шундай жойга жойлаштириди, у ерда бизга чарчоқ ҳам, ҳорғинлик ҳам етмас» (*Фотир сураси, 35-оят*).**



2885.

Амр ибн Ос: «Сўз дорига ўхшайди. Ози фойда, кўпи эса қулатади», деди.

*Дорига ўхшайди гап,  
Ё фойда у, ё қулфат.  
Ози келтиргайдир наф,  
Кўпи қулатар албат!*

«Унваанул байаан» китобидан.



2886. Али ибн Рабийядан ривоят қилинади:

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу отининг минаётиб, оёғини узангига қўйганида «Бисмиллах», деди. Отга миниб, ўрнашиб олгач эса шундай деди: **«Алҳамду лиллаҳиллаزий саххоро ланаа ҳаазаа, ва маа қунна лаҳу муқринийн, ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун»** («Буни бизга бўйсундириб қўйган Зотга ҳамд бўлсин. Ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Барчамиз Роббимизга қайтувчи дирмиз»).

Сўнгра уч марта «Алҳамдулиллаҳ», уч марта «Аллоҳу акбар» деб, сўнгра **«Субҳаанака, инний золамту нафсий, фағfirлий, иннаху лаа йағfirуз-зунуuba илла анта»** (Ўзинг поксан, мен ўзимга ўзим зулм қилиб қўйдим, мени кечиргин, Ўзингдан бошқа гуноҳни кечиравчи йўқ) деб, кулиб қўйдилар. «Эй мўминларнинг амири, нимага куляпсиз?» дейишган эди, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам худди шуларни айтиб, кулган эдилар. Шунда мен ҳам «Эй Аллоҳнинг Расули! Нимага кулдингиз?» деганман. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир бانда «Аллоҳим, гуноҳимни кечир» деса, Роббинг: «Гуноҳни Мендан бошқа ҳеч ким кечира олмаслигини билади», деб хурсанд бўлади»**, деганлар».

*Абу Довуд, Термизий, Насайлар ривояти.*



د أحمد عيسىي المعصراوي

لا تحزن إذا اجبرت على التعايش مع وضع  
قد يؤلك  
بل..ابتسم لأنه قال بكل رحمة  
وعسى أن تكرهوا شيئاً وهو خير لكم.

2887. Фам-аламга ботиб ҳаёт кечиришга мажбур бўлсан ҳам, асло маҳзун бўлма, балки табассум қил! Зоро, Аллоҳ

таоло бор раҳмати ила шундай деган: «Шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун яхши бўлса» (*Бақара сураси, 216-оят*).



2888. Аллоҳ тақводорларни, покланувчиларни, таваккал қилувчиларни, сабрлиларни, адолат ўрнатувчиларни ва тавба қилувчиларни яхши кўради.



2889. Яхши кўрган одамимиз бемор бўлса, синов деймиз. Ёқтирган одамимиз бемор бўлса, жазо деймиз. Алллоҳнинг қазою қадарини ҳавои нафсингга мослаб олишдан эҳтиёт бўл!



2890. Қалб ҳам бир әкинзордир. Шундай экан, бу әкинзорга гўзал сўзларни эккин. Бир ўсмаса, бошқаси албатта ўсиб, вояга етади.

*«Унваанул байаан» китобидан.*



2891. Имтиҳон олдидан ўқишиш фойдали бўлган дуолар:

1. Мавзуни такрорлашдан олдин қуидаги дуони ўқи:

**«Аллоҳумма, инний ас`алука фахман набийийин, ва ҳифзал мурсалийнал муқорробийн. Аллоҳуммажъал алсинатанаа ъаамиrottan бизикрик, ва қулуубанаа бихошийатик, ва асроранаа битоъатик, иннака ъалаа кулли шай`ин қодийр, ва ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил»** (Аллоҳум! Мен Сендан пайғамбарларнинг фахмини, муқарраб расулларнинг хотирасини сўрайман. Аллоҳум! Тилимизни Ўзингнинг зикринг билан, қалбимизни Сендан қўрқиши билан

сирилизни Ўзингнинг тоатинг билан обод қил. Сен барча нарсага қодирсан. Аллоҳнинг Ўзи бизга кифоя, У нақадар яхии вакил)

2. Дарс такрорлашни тугатгандан сўнг қуидаги дуони ўқи:

**«Аллоҳумма, инний аставдиъука маа қоро`ту ва маа ҳафизту, фа зидҳу ъалайя ъинда ҳаажатий илайҳи, ва ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил»** (Аллоҳим! Ўқиган ва ёд олган нарсаларимни Ўзингга топширдим, эҳтиёжим тушганда уларни зиёда қил. Аллоҳнинг Ўзи бизга кифоя, У нақадар яхии вакил).

3. Саволлар варақаси тарқатилгач, барча саволларни ўқиб чиқ, сўнг Аллоҳ сени муваффақ қилишига тўла ишонган холда, У Зотга таваккул қилиб, қуидаги дуони ўқиб, энг осон саволга жавоб беришдан бошла:

**«Робби ишроҳ лий содрий, ва йассир лий амрий, ваҳлул ъукдатан мин лисаний, йафқоҳу қовлий»** (Роббим, қалбимни кенг қил, ишимни осон қил, тилимдан тугунни ечиб юборгинки, сўзимни англашисин, Тоҳа сураси, 25-оят).

4. Тинчланиб, диққатингни бир жойга жамла. Қийин саволга дуч келсанг, ушбу дуони ўқигин: **«Аллоҳумма, лаа сахла илла маа жаъалтаху сахла, ва анта тажъалул ҳазна иза ши`та сахла»** (Аллоҳим, Сен осон қилган нарсагина осондир. Хоҳласанг, қийинни осон қилурсан. Ибн Сунний ривояти).

5. Ёдлаган нарсангни эслай олмасанг, ушбу доуни ўқигин: **«Йаа жаамиъан-нааси ли йавмин лаа ройба фийҳ, ижмаъ ъалайя золлатий»** (Эй келишига шак-шубҳа йўқ Кунда одамларни жамловчи Зот! Йўқотганларимни тўплаб бер).

6. Ёзган жавобларингни яхшилаб текшириб чиқ. Барча саволларга жавоб берган бўлсанг, ушбу дуони ўқигин: **«Алҳамду лиллааҳиллазий ҳадаанаа лиҳаазаа, ва маа куннаа линаҳтадийа лав лаа ан ҳадааналлоҳ»** (*Бизни бунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаса, ўзимиз ҳидоят топа олмас эдик*).

Имтиҳон пайтида ўқилиши тавсия қилинган ушбу дуолар баъзи аҳли илмларнинг тажрибасидир. Албатта, бу дуоларни ўқиш асносида фақат Аллоҳга суюниб, Унинг Ўзидангина ёрдам сўраш лозимлигини унутманг.

Аллоҳ барчаларимизни Ўзи муваффақ қилсин!